СССР Давлат китоб палатаси
Госкомиздат СССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 28 (20. 595) • 1990 йил 2 февраль, жума • Баҳоси 3 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

● 2-бет:
Бухоро тўқимачилари тажрибаси оммалаштиришга арзигулик

● 3-бет:
ТошДУ. 70 йил. Олим билан суҳбат

● 4-бет:
Инқилобий кураш алангаси

ХАЙРЛИ ТАШВИШЛАР

Коммунист Тоҳиржон Асомиддиновни цех коллективи эришган натижалар акс этувчи кўрсаткичлар доскасига ўтган ой якунларини, социалистик мусобақа илғорларининг исм-шарифларини қайд этиб келаётганда учратдик.

— Бугунги кунда Тоҳиржоннинг ўн ташвишига яна бир ташвиш қўшилган, — деди ҳамроҳимиз, пишитув-тўқимачилик фабрикаси бош инженери Мухторжон Аҳроров. — Тўқувчилар касаба союз ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида уни цехкомликка сайлашди.

Марғилон абрли газламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг донгдор тўқувчиси Тоҳиржон билан суҳбатимиз давомида у меҳнат қилаётган бригада, цех коллективи эришаётган муваффақиятлар ҳақида, ишчиларнинг унумли меҳнатларини рағбатлантиришда қандай йўл тутилаётгани борасида батафсил маълумот олишга ҳам эришдик.

— Табиий ипакли атласлар асосан бизнинг цехда тўқилади, — дейди фахр билан Т. Асомиддинов. — «Гулинамошом», «Шахмат», «Товус» деб номланувчи хонатласларни ишлаб чиқаришда бригадамиз ишчилари ҳам самарадорликка эришаётирлар. Коллективимиз узоқ йиллар меҳнат қилиб толмаган, ўз касбининг фидойиларидан ташкил топган, десам хато қилмайман. Масалан, ҳамкасбим Тилаволди Ғиёсов 5 та дастгоҳни бошқаради, у беш йиллик бошидан буён 7 йиллик планни уддалаб қўйган. 4 та станокда меҳнат қилувчи коммунист Абдуваҳоб Ҳабибуллаев эса яқиндагина беш йиллик планини бажаргани ҳақида рапорт берди. Дўстларим мени ўтган йилнинг баҳор ойларида 7 йиллик планни бажарганим билан табриклашган эди.

Меҳнатга бўлган муносабат, ўзи бажарган ишдан қаноатланмаслик, яъни белгиланганидан ортиқча зонада меҳнат қилишга интилиш ҳислати унга дастлабки ишга кирган вақтларидан буён ҳамроҳ. Бундан роппа-роса 22 йил муқаддам корхона ўша даврда фирма деб аталарди. Ўрта маълумотли бир йигит бирлашма идорасига кириб келади. Кадрлар бўлимида уни пишитув-тўқимачилик фабрикасига ишга юборишади. Ҳали у қадар етарли даражада меҳнат кўникмасига эга бўлмаган йигитчани моҳир тўқувчилардан бири Надежда Мармалёва шогирдликка олади. Тоҳиржон цехдаги тажрибали тўқувчилардан бири Пўлатжон Раҳматовдан ҳам тажриба ўрганади.

Устоз каломи — шогирдлар камоли деб бежиз айтишмаган. Уларнинг дил сўзлари ёш йигит онгида бир умрга муҳрланиб қолди. У ҳозир цехдаги энг тажрибали тўқувчилардан бирига айланган бўлса-да ҳамон кексалик гаштини сураётган Н. Мармалёва ҳамда мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаётган П. Раҳматов билан тез-тез суҳбатлашиб туради. Зарур пайтларда улардан маслаҳат сўрайди. Ўшанда Тоҳиржонга гарчи шогирдлик муддатини ўтаб бўлганидан сўнг битта дастгоҳ берилиши керак бўлса-да, унинг тиришқоқлигини инобатга олиб

МАРҒИЛОН «АТЛАС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ДОНГДОР ИШЧИСИ Т. АСОМИДДИНОВ ИККИ ТЎҚУВЧИ ИШИНИ БАЖАРИШГА АҲД ҚИЛДИ

бирваракайига иккита станокни ишониб топширишган эди. Уч ой ўтгандан сўнг, эса малакали тўқувчи сифатида учта дастгоҳда ишлай бошлади. Йиллар ўтган сайин ундаги маҳорат ва хизмат зонаси орта борди.

КПСС XXVII съезди кунлари бирлашманинг пешқадам тўқувчиларидан саналган Гулчеҳра Турғунова, Кимсанхон Аҳмедова, Тоҳиржон Асомиддинов бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиқишди. Бу уларнинг аввалги тажрибаларга таянган ҳолда тутган қатъий йўллари эди. Ана шу мақсадда тер тўкаётган Тоҳиржон ойига планда белгиланган 1500 метр ўрнига 1800 метрдан хонатлас тўқиб чиқариб, маҳсулот сифати даражасини 97-99 фоизга адо этаётир.

Яқинда у цех бошлиғи ҳузурига кириб, ўзига бириктилган станоклар сонини яна биттага оширишни, жами 6 та дастгоҳни тассарруфига беришларини сўради. Икки тўқувчининг ишини бир ўзи бажаришга аҳд қилганлигини айтди.

— Биз, тўқувчилар планни доимо муваффақиятли ўринлатиш фикридамиз, — дейди Тоҳиржон Асомиддинов. — План тўлса, биринчи сортли маҳсулотлар ҳажми ортса, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида бу кони фойда эканлигини яхши англаб олганмиз. Аммо тўқувчига биринчи сортли маҳсулотнинг ҳар метрига 17 тийиндан, иккинчи сортнинг ҳар метрига 12 тийиндан ҳақ тўланаётгани, менимча, оз. Меҳнат маромининг муваффақиятли кечишида ишчиларнинг аҳиллиги ҳамда ишчанлиги ҳам муҳим роль ўйнашини айтиб ўтмоқчи эдим. Негадир сўнгги вақтларда тўқувчи аёлларнинг гоҳ ўзлари бетоб бўлиб, гоҳида фарзандларига қараш учун касаллик варақаси олиши қаби ҳолларга тез-тез дуч келмоқдамиз. Мен касаба союз цех комитети аъзоси сифатида тўқувчи аёлларни ҳомиладорлик даврида, яъни улар декрет отпускасига чиқишдан аввалроқ енгил ишга ўтказиш керак, деган фикрда қатъий турмоқчиман. Чунки бу муддатда тўқувчи аёлларнинг дастгоҳлар қаршисида, тик турган ҳолда ишлашлари анча оғир. Мен ишлаётган иккинчи бригадада бюллетенга чиқиш ҳоллари кўп бўлганлиги, айрим тўқувчиларнинг декрет отпускасида эканликлари туфайли баъзи ойларда давлат планини бажаролмай қоламиз.

Тажрибали ишчи атласчиларга яратиб берилган шароитлар, улар меҳнатини рағбатлантириш масалалари ҳақида ҳам қуюниб сўзларди. У бундай вазиятларга аввалроқ дуч келган бўлишига қарамай, эндиликда бевосита цехком раиси сифатида ишчиларга ғамхўрлик кўрсатишни ўзининг келгусида иш мезони учун дастурламал қилиб олишни режалаштирган. Улардан бири — социалистик мусобақа натижаларини кўриб чиқиш ва илғорларни рағбатлантиришдир. Тоҳиржоннинг таъкидлашича, цех ва фабрикадаги якка тартибда ва коллектив равишда ўтказилаётган мусобақа илғорларини рағбатлантириш фақатгина ишчининг кассадан пулни олиб, имзо чекиши билан якунланяпти, холос.

— Ана шу мусабақа илғорларини бутун коллектив олдида тантанали тарзда, меҳнат натижаларини эълон қилиб, сўнгра табриклаш мумкин-ку, — суҳбатга қўшилади тўқувчи А. Ҳабибуллаев. — Бу масалада, биринчи галда, фабрика ва цех касаба союз ташкилотлари фаоллик кўрсатишлари лозим.

Айни пайтда илғор тўқувчи Т. Асомиддинов яна бир муаммони ҳал қилиш ҳаракатида. Цехда шу кунгача ишлаб чиқариш планини ва сифат кўрсаткичини бажармаётганлар 12 кишига боради. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда деярли ўзгаргани йўқ. Шунинг учун Тоҳиржон коллективда мураббийлар ҳаракатини қайта қуриш, илғор тажрибаларни ёш ишчиларга ўргатиш ташаббуси билан чиқди.

А. ҚИРҒИЗОВ,
Фарғона области.

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни

Эъзоз

Фарҳод Фузайлов Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, медицина хизмати полковниги. У Туркистон ҳарбий округининг П. Ф. Боровский номли госпиталида ишлайди. Жонкуяр тиббий ходим 19-Високовольт сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Депутатликка номзод ўз сайловчилари ҳузурида режаларини гапириб берди.

— Режаларим кўпчилик билан битадиган, ҳамкорликда бажарилса бўладиган ишлардир, —дейди Ф. Фузайлов.—Энг муҳими, ҳамкасбларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Депутат бўлсам, сўз билан иш бирлигига эришаман.

Суратда: Ф. Фузайлов ўзининг ишончли вакили Л. Цвиток билан суҳбатлашмоқда.

В. БАГАЕВ сурати.

Ишлаб чиқаришга тайёр

✦ Тошкент «Подъемник» заводида тайёрланган кўприк кранларининг тажриба намуналари синовдан ўтказиб бўлинди.

10 тонна юк кўтара оладиган магнитли кран аввалгиларига қараганда янада пишиқроқ конструкцияси ҳамда уч баравар кучли магнити билан ажралиб туради. Кранинг иккинчи тажриба нусхаси турли-туман ишларни бажариши мумкин: металл қиринди-лари, темир-терсак «ташиши», тайёр қурилмаларни, зарур бўлган тақдирда магнитни грейферга алмаштирган ҳолда сочиладиган материалларни ташиши мумкин. У беш тонна юк кўтаради.

«Подъемник» заводи бу янгиликларни шу йилда саноат ишлаб чиқаришига ўтказади.

(ЎзТАГ мухбири).

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

1 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ҳузурида ташкил этилган миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия масалалари республика комиссиясининг йиғилиши тугади. Ушбу комиссия аъзолари — файласуфлар ва сиёсатшуносла-р, социологлар ва ҳуқуқшуносла-р, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари ўтган йилда қилинган ишларга якун ясашди.

Партиянинг миллий муаммоларни ҳал этиш борасидаги сиёсатини тарғиб қилиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мазкур программани рўёбга чиқаришга доир амалий тадбирларини атрофлича тушунтириш, бу ишга одамларни фаол сафарбар этиш ҳисобот даврида комиссия ишининг асосий йўналиши бўлганлиги таъкидланди.

Йиллик йиғилиш қатнашчилари мунозара клублари ва халқ дорилфунунларининг миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ва байналмилал тарбия борасидаги лекцияларининг янги мавзуларини тасдиқладилар, республикамизда ва мамлакатимизда бўладиган партия съездлари олдидан лекциялар ўқиш тадбирларининг аниқ-равшан режаларини ишлаб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

Халқаро воқеалар

М. С. Горбачев билан Ж. Буш телефон орқали суҳбатлашдилар

31 январь куни АҚШ президенти Ж. Буш М. С. Горбачевга қўнғироқ қилди. Халқаро вазият, асосан Европадаги вазиятнинг долзарб муаммолари юзасидан ва қурол-яроғларни қисқартириш борасидаги музокараларнинг истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинди. Суҳбатдошлар Мальтада эришилган аҳдлашувлар руҳида ҳаракат қилишга қарор берганликларини таъкидладилар, СССР билан АҚШ ўртасида олий даражадаги доимий алоқаларнинг муҳимлигини қайд этдилар ҳамда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш кераклигини айтдилар.

(ТАСС).

МАСЪУЛИЯТ ҚАЁҚДА ҚОЛДИ

Американинг Си-эн-эн телекомпаниясининг Москвадаги мухбирининг М. С. Горбачев ғўё КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимидан кетмоқчи, деб ўтган сешанба куни берган хабари эҳтиросларни ва ҳис-туйғуларни авж олдириб юборди. Хўш, бу ахборот нимага асосланган?

Шов-шув чиқаришга уринишга асосланган — СССР Ташқи ишлар министрлиги ахборот бошқармаси бошлиғи Г. И. Герасимов 31 январь куни ўтказилган брифингда асоссиз «янгиликни» ана шундай шарҳлади. Ҳар қандай профессионал журналистда, деди у, янгиликни биринчи бўлиб хабар қилишга интилиш тегишли масъулият билан боғлиқ бўлиши керак.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили Бразилия президентлигига сайланган ва ҳозир Москвага келган Фернандо Коллор де Мелло билан учрашув арафасида М. С. Горбачев журналистлар билан қисқача суҳбатда ана шу миш-мишларни рад этди, деди.

(ТАСС).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲИ МАЛАЙЗИЯГА БОРДИ

Куала-Лумпур, 31 январь. ТАСС мухбири Михаил Циганов хабар қилади: «Биз Малайзия билан СССР ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда янги шаклларни маъқуллаймиз, — деди Малайзия ташқи ишлар министри Абу Хассан Умар СССР халқ депутатларининг бу ерга келган гуруҳи билан учрашувдан сўнг. — Жумладан, Ўзбекистон ва Эстония сингари совет республикалари билан ўрнатилган бевосита иқтисодий алоқаларимиз катта умид бахш этмоқда. Бундай алоқалар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади».

Министр Малайзия ташқи ишлар министрлигида учрашувдан сўнг брифинг чоғида Малайзия томони М. С. Горбачев раҳбарлигида СССРда ўтказилаётган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсатини қўллаб-қувватлажагини яна билдирганлигини маълум қилди.

Бугун СССР халқ депутатлари гуруҳи Малайзия парламентининг вакиллар палатаси спикери Муҳаммад Зоҳир Исмоил ҳузурига самимий ташриф буюриб, малайзиялик ҳамкасблари билан учрашди. «Совет парламент аъзолари мамлакатимизга тажриба алмашиш ҳамда Малайзия парламенти аъзолари билан фикрлашиш учун келишганидан ниҳоятда шодмиз, — деди Муҳаммад Зоҳир Исмоил. — Энди биз мамлакатларимиз ҳокимиятларининг қонун чиқарувчи олий органлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилишига ҳам умид қилиш учун тўла асосга эгамиз».

«Совет ҳамкасбларимиз билан биринчи учрашув айримларимизда Совет Иттифоқига нисбатан нотўғри тасаввурларимизни бартараф этиш имконини берди», — деб таъкидлади учрашувда Малайзия сенати спикерининг ўринбосари Чан. «Бундай мунозаралар жуда фойдалидир, чунки улар самимий фикрлашув ҳамда дастлабки манбалардан ҳаққоний ахборот олиш имконини беради», — деб унинг сўзини қувватлади парламент аъзоси Го Чек Тенг.

● *Сурат-кўзгу*

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Аляска штатидаги Анкориж университети профессори Ларри Рокхилл Магадан шаҳри педагогика институтининг ўқитувчиси бўлди. У бир йилга шартнома тузиб, ойига 320 сўм маош олмоқда.

Ларри Рокхилл рус тилини гарчи жуда яхши билмасада, машғулотларни дадил ўтказмоқда. У кўпинча хорижий тилни ўрганишнинг янги усули: — «тим-тигинг», яъни жуфт бўлиб таълим олишни қўлламоқда.

Америкалик ўқитувчига унинг ҳозирги иши, Магадандаги ҳаёт ёқмоқда. Ларри Рокхиллнинг ўзи ҳам қунт билан ўқимоқда.

— Мен Магадан кўчалари бўйлаб юрганимда, одамларингиз турмуш тўғрисидаги ажойиб китобни ўқиб чиқаётганга ўхшайман. Унинг моҳиятига тушуниб етишга астойдил ҳаракат қилаяпман.

Суратда: Ларри Рокхилл болалар орасида.
И. Вайштейн сурати. — (ТАСС).

Тоғ билан ҳазиллашманг...

Дарҳақиқат, мана шу ачиқ ҳақиқатни швейцарияликлар амалда жуда яхши билишади. Шу боис қиш бошланиши биланоқ Швейцария Альпи деб аталувчи клуб аъзолари тоғ шароитларида қутқарув ишларини олиб бориш, фалокатга учраган одамларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича қўлланма-машғулотларни ўтказишга киришадилар.

Суратда: мураккаб тоғ шароитларида одамлар вертолёт ёрдамида шундай қутқариш мумкин...

Кейстон—ТАСС сурати.

● *Ечимини кутаётган муаммолар*

ТЕХНИКАДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎҚМИ?

Чортоқ районидаги «Москва» колхози ўртача хўжаликлардан. Ўтган йили 760 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ингичка толали пахта ҳирмони кўтарилди. Белгиланган план ошириб уддаланганлиги туфайли даромадга барака кирди.

— Очиғини айтганда, турғунлик йилларидан мерос бўлиб келаётган бир иллат — деҳқон ризқига қўл узатувчи омиллар камайганида даромадимиз яна ҳам кўпайган бўлур эди, — дейди колхоз раиси Холмуҳаммад Ғайбуллаев. — Шулардан бири техника соҳасидаги муаммолардир...

Гап орасида раис битта мисол келтирди. Маълум бўлишича, Қўқондаги «Ўзбекистон» ремонт-ишлаб чиқариш бирлашмасида капитал ремонтдан чиқарилган «ЭО—2621» маркали экскаватор ярим соат ишламасидан «йўтала» бошлабди. Шундан сўнг тўрт ой гоҳ Қўқонга, гоҳ Бекободдаги Далварзин ремонт заводига судра-судра бошланибди.

— Ана шу техникамиз тўхтаган муддат ичида колхозимизга 3,5 минг сўмлик зарар етди, ахир мавжуд ҳар бир техниканинг иқтисодий самараси кўзда тутилган-ку, — давом этади раис. — Афсуски, бу ягона мисол эмас. Умуман, олганда талай маблағимизни носоз қишлоқ хўжалик механизмларини тузатиш, керакли-кераксиз янгиларини сотиб олишга сарфламоқдамиз. Айрим эҳтиёт қисмларнинг нобоплиги сабабли ортиқча сарфланаётган ёнилғи харажатлари ўпқондек домига тортмоқда.

Ҳолмуҳаммад Ғайбуллаев сўзининг исботи сифатида маълумотларга мурожаат қилди.

— Шу кунда 12 та ҳайдов, 27 та чопиқ, 44 та прицепли тракторимиз бор. Ҳаммасини қўшсангиз 83 та. Бундан ташқари 10 та терим машинаси ҳам ихтиёримизда. Уларнинг ҳар бири колхозимиз балансида 10 минг сўмдан туради. Йил давомида техникамизнинг (автомобилларни қўшмаганда) юриши учун 87 минг сўм пул сарфланади.

— Айниқса, бизга малол келаётгани терим машиналари бўлипти, — суҳбатга қўшилди бош инженер Меҳмонали Бойхонов. — Яширишнинг кераги йўқ, бошқа жойларда, айтайлик Қашқадарё ва Сурхондарё хўжаликларида қандайлигидан бехабармиз, аммо бизда ипак пахтани машинада териш самарасиз. Кўп бор синовдан ўтказганмиз. Заводдагилар ҳам толасига зиён етяпти, деб эътироз билдиришмоқда. Шунга қарамасдан 10 та машина сотиб олишга мажбур қилишган. Ҳар йили терса-термаса, ремонтдан чиқариб мавсумга шайлаш шарт. Бу соҳадаги топшириқни бажармасак, жазо олишимиз тайин. Куз келгач, бирон соат ишламаган машинадан бункер ва бошқа терим механизмларини ечиб туширib, мойлаб, ўраб-чирмаб қўйишимиз керак. Қани энди бу зил-замбил ҳамда қўполдан-қўпол бункерни жойидан силжитиш осонроқ кечса! Тракторчи-ю, слесарларимизнинг она сути оғзига келади. Гоҳида шунақа оворагарчиликлар, беҳуда сарф-харажатларнинг кимга кераги бор, деб бошим қотади. Ахир бу ҳаражатларнинг барчаси кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас-ку!

— Техниканинг тез ишдан чиқишига бир жиҳатдан ўзимиз ҳам айбдормиз, — раис узоқ ўйлаб тургач шундай деди. — Машиналар тузилишини чуқур тушунадиган, техник имкониятларидан тўлароқ хабардор кадрларимиз кам.

— Бу ўринда фақат механизаторлардан ранжиш адолатдан деб бўлмайди, — бош инженер эътироз билдирди. — Олимларимиз ва машиналарни яратаётган конструкторларимизда ҳам айб бор. Ахир техникани олий маълумотли инженер эмас, бир ёки икки йиллик ҳунар-техника мактабини ёки қисқа курсни амал-тақал битирганлар бошқаришини ўйлашлари лозим. Тракторлар двигатели, ишчи органлари тузилиши шунчалик мураккабки, ўн беш-ўн олти йил ўқиган олий маълумотли мутахассислар ҳам аранг эплайдилар.

Агар фикримизга қулоқ солинса, қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлашда ихтисослаштиришни, қайси республика ва қандай об-ҳаво шароитида ишлаш учун юборилишини ҳисобга олиш керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, таъминотчи билан истеъмолчи орасидаги алоқани мустаҳкамлаш зарур. Бизга трактор етказиб бераётганлар келиб аҳволни ўрганишса, тилга олинган камчиликлар тезроқ ўнгланган бўларми-ди!

— Ихтисослаштириш борасида гап очиб тўғри қилдингиз, — раис бош инженернинг фикрини маъқуллади. Бундай даъвони ўзимизнинг республика агросаноат кооперациясидагиларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Лекин улар бунинг тескарисини қилишяпти. Ремонт корхоналари ихтисослаштириш баҳонасида турли жойларга тарқатиб юборилган. Чунончи, «Белорус» тракторингиз ишдан чиқса Қўқонга, у ерда юқорида айтилгандек, қўлларидан келмаса, Бекободга қараб йўл олади. Бошқа маркадаги тракторларни тузатиш учун Андижонга ёки бошқа бирон шаҳарга бориш талаб этилади. Наҳотки, шу нарсани бирон область территориясида ташкил этишнинг иложи топилмаса!

Ихтисослаштиришнинг ҳали матбуот юзини кўрмаётган сохтагарчилик томонларини ҳам айтиб қўя қолайлик: трактордаги қайсидир детал ишдан чиқди, дейлик. Ҳеч қаердан топилмайди. Арзимаган винт учун Қўқонга, Андижонга ёки Бекободга етиб борасиз. Лекин осонликча қўлингизга тутқазилмайди. План борлигини важ қилишади. Унамасангиз қуруқ қайтасиз, хуллас, 5 сўмлик нарса учун бажарилмаган ишни бажарилди, қабилида сохта ҳужжат расмийлаштиришади. Колхознинг 50 сўм пули ремонт корхонаси хазинасига тушади. Қўлини совуқ сувга урмаган текинхўрлар «топшириқни оширib уддалаганлиги учун» мукофот олишади. Шунинг ўрнига хўжалик ёки районда ремонт базаси ташкил этиб уни мустаҳкамлашса бўлмасмикан? Ўшанда қинғир ишларнинг йўли тўсиларди, ортиқча сарф-харажатларга ўрин қолмасди.

Раис ва бош инженернинг мулоҳазаларини эшитаман-у ўйга толаман. Ҳа, надоматлар бўлсинким, мазкур хўжаликда биз дуч келган муаммолар ягона, деб бўлмайди. Қайси колхоз ёки совхозга борманг, механизация соҳасидаги бу каби ишкалликларга дуч келасиз. Бошқарув органларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини старли даражада билмасликлари, юқоридан туриб расмиятчилик қилаверишлари, кўр-кўрона турли хил кўрсатма ва фармойишни авж олдираётганликлари оқибатида хўжаликларнинг минглаб сўм маблағлари худа-беҳудага кўкка совурилмоқда, моддий неъматларимиз бунёдкорларнинг ризқи қийилмоқда. Колхоз раҳбарларининг бу борадаги мулоҳазаларига қўшилмай бўлмайди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

САВОЛ КЎП БЎЛДИ

Учрашув бошланишига бир соат қолганда совхоз бадиий ҳаваскорлари ўз томошаларини бошлашди. Ён атрофдаги қишлоқлардан, бўлим марказларидан келган сайловчилар бирин-кетин клубга кира бошладилар. Дарвоқе, бунгача уларнинг кўпчилиги шу ерда жойлашган сайлов участкасида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайлов ҳақидаги ҳужжатлар, номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишишга улгурдилар. Сайловолди тадбирлари ҳақида район, область газеталарида берилаётган мақолаларни ўқидилар. Агитаторлар билан ўзига хос баҳслар бўлиб ўтди. Ҳали учрашув жойига кириб улгурмаган номзод — Фориш район босмахонаси линотипчиси Ҳикоят Суннатовага ҳам саволлар кўп бўлди. Наказлар айтилди.

— Таржимаи ҳолингиздан қишлоқда туғилиб ўсганлигингиз маълум бўлиб турибди. Бизнинг шароитда алоқа хизматини яхшиламасдан намунали медицина хизматини йўлга қўйиб бўлмайди, — деди Қорабдол қишлоқ касалхонаси врачи Эшқобил Хидирбоев. — Касалхона билан жойлардаги фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўртасида эса телефон алоқаси йўқ...

— Қизим, наҳотки фарзандларимиз боғча юзини кўрмай катта бўлишса, — гап ташлашди бир чеккада тўпланиб турган аёллар.

Карл Маркс номли совхоз аҳлининг 377-Фориш сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган босмахона ишчиси Ҳикоят Суннатова билан учрашуви ана шундай руҳда бошланди. Номзод ўзининг сайловолди платформасини баён қилгач, мунозарага чиқувчилар янада кўпайди. 78-мактаб ўқитувчиси Камол Исмоилов аҳолини иш билан таъминлаш муаммосининг қандай ҳал этилиши билан қизиқди.

— Ҳозирги пайтда район бўйича 7 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди, — деди номзод. Булар сафига яна ҳар йили ўрта мактабларни битираётган минглаб ёшлар қўшилишмоқда. Мен аҳоли зич жойлашган қишлоқларда маҳаллий хом ашё бўлган жун ҳамда терига ишлов бериш цехи ва корхоналари очиш тарафдориман. Ана шунда бу жараёндан олинадиган фойда ҳам совхоз киссасига тушади. Қолаверса, қишлоқларда касаначиликни ривожлантириш муҳим.

Номзоднинг район территориясидан қазиб чиқарилаётган табиий бойликлардан олинаётган фойданинг бир қисмини маҳаллий бюджетга ўтказилишига эришиш ҳақидаги фикри ҳам сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

— Имкониятингиз даражасидан кўпроқ нарса ваъда қилиб юбормадингизмикин? — сўрадик йиғилишдан кейин Ҳ. Суннатовадан.

— Бу менинг учинчи учрашувим, — деди номзод. — Ўзим ҳам ҳар сафар шу хаёлга бораман. Аммо районимизда тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳам адоғи йўқ-да. Шундай бўлгач, депутатлар район ҳаётида, айниқса, фаол иштирок этишлари зарур. Ўзингиз ўйланг. Республикадаги тўнғич район газеталаридан бўлган «Чорвадор» газетаси редакцияси ҳам, босмахона ҳам мослаштирилмаган хоналарга жойлашган. Бино ва ҳовли деворлари нурай деб турибди. Иш шароити оғир. Яқин 10 — 15 йил ичида тузилган айрим районларда эса бунинг тамоман акси. Боғча ва мактаблар хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Медицина муассасалари учун бинолар жуда кам. Наҳотки ярим асрлик тарихга эга бўлган районда аҳоли турмуш тарзини юксалтириш борасида кўзга кўринарли ижобий ўзгариш қилиб бўлмаса?!

Ҳамюртларим менга юксак ишонч билдиришиб, зиммамга катта масъулият юклашаётган экан, уларнинг келажаги, фаровон турмуши учун астойдил курашишга, кўзланган мақсадга эришиш йўлида чидам билан меҳнат қилишга интиламан. Кишилар орзу-умиди фақат депутатлик эмас, балки ҳаётий платформам бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Учрашувда ошкора мулоқот, етилган муаммолар ечими тўғрисида номзод билан баҳс, фикр алмашувлар тўпланганларда илиқ таассурот қолдирди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОТИРЖАМЛИК

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни тобора яқинлашмоқда. Кўп жойларда республика ижтимоий ҳаётида катта сиёсий воқеа бўладиган бу тадбирга ҳозирлик ишлари кучайтирилмоқда. Чироқчи районида бўлганимизда бу муҳим кампания билан боғлиқ айрим ишларга анчагина масъулият билан қаралаётгани кўзга ташланди. Номзодларни рўйхатга олишда тегишли қонун талабларига риоя этилган. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган 7 номзод, область Совети депутатлигига кўрсатилган 40, шуниндек, Чироқчи шаҳар, район Советлари ҳамда қишлоқ Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар муайян график асосида сайловолди беллашувларини бошлаб юборишган. Сайловчилар билан ўтказилаётган мулоқотлар анчагина уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Хўш, бу муҳим кампанияга ҳозирликнинг бошқа жиҳатларига қандай эътибор берилаётир? Тарғиботчилар фаолияти жонланяптими? Сайловчилар рўйхатини тайёрлаш қандай аҳволда? Тегишли жойларда навбатчилик ташкил этилганми? Сайловга ҳозирлик ишлари билан танишув жараёнида кўпгина сайлов участкалари, агитпунктларда хотиржамлик кайфияти ҳукм сураётганлигининг гувоҳи бўлдик.

13-сайлов участкаси «Партия XXIV съезди» колхози маъмурий биносига жойлашган. Унга мактаб директори Қаюм Қурбонов мудирлик қилмоқда. Афсуски, агитпункт мудирини топиб, суҳбатлашиш учун қилган барча саъйи ҳаракатларимиз беҳуда кетди. Агитпунктда агитаторлар рўйхати, ким қачон навбатчилик қилиши графиклари бор-у, ўша куни ким навбатчи эканлигини ҳеч ким айтиб беролмади. Ҳанузгача пунктнинг иш плани тузилган эмас. Бу ерда ҳамма иш юзаки, расмият учунгина амалга оширилаётгани кўриниб турибди. Чунки сайловга бағишлаб ташкил этилган кўргазма бўм-бўш. Участка сайлов комиссияси секретари Тилов Шоназаровга бу муҳим кампанияга тайёргарлик борасида берган саволларимиз жавобсиз қолди.

Район маданият уйига жойлашган сайлов участкаси агитпунктида аҳвол бундан ҳам ташвишли. Район партия комитети биносидан 200 метрча масофада жойлашган мазкур агитпункт тушдан кейин берк эди. Маданият уйи ходимлари ярим соатча елиб-югуриб, охири пункт калитини топиб келишди. Аммо агитпункт мудири Шарофиддин Ҳамидов ҳам, ўша куни навбатчи бўлиши керак бўлган агитатор Хўжаназар Умаров ҳам топилмади. Пункт ҳали тўлиқ жиҳозланган эмас. Оммавий-сиёсий ишлар маркази ҳисобланмиш бу даргоҳда на бирор янги газета, на журнал бор. Стол устига ўтган йилги газеталар тахламлари қалаштириб ташланган, хоналар совуқ.

Райондаги айрим агитпунктлар кечаси у ёқда турсин, кундузи ҳам очилмаётир. «Москва» колхози клубида жойлашган агитпунктга қулф осиб қўйилган. Чамаси бу ерга яқин икки-уч кундан буён биров кирмаганга ўхшайди.

Ушбу камчиликларни, кўпчилигига бизга ҳамроҳлик қилган район партия комитети секретари Ж. Маманов ҳам гувоҳ бўлди. Унинг қуйиб-пишиб гапиришидан ишлар тартибли бўлса керак, деб ўйлагандик. Афсуски, мавжуд аҳволни кўриб секретарь ҳам ноқулай аҳволга тушди. «Семинар ўтказилганди, ҳамма гапни тушунтиргандик, аммо айрим ўртоқлар шундан кейин ҳам масъулиятсизлик қилиб хотиржамликка берилишяпти.» деди у.

Кўриниб турибдики, Чироқчи районида сайловларга ҳозирлик кўришда хотиржамлик кайфияти кучли. Унга тезда барҳам берилмаса, бу муҳим кампаниянинг муваффақиятли ўтишига кафолат бериш қийин.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

● НОМЗОД БИЛАН МУЛОҚОТ ОШКОРА, ҚИЗҒИН ФИКРЛАШУВЛАР БИЛАН ЎТДИ.

● ЖИҲОЗЛАНМАГАН АГИТПУНКТЛАР.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ЎРГАНИШ УЧУН

Ташқарида қиш. Ердамчи хўжалик чорвадорлари эса ҳар куни янги ўрилган яшил озуқа олиб турибдилар. Илғорлар тажрибасини ўрганиш учун бу ерга вакиллар келишади.

Бу ерда Испаниянинг «Элеусис» фирмаси томонидан тайёрланган технологик линия бўйича озуқа етиштирилмоқда.

Суратда: Бошқирдистон АССРнинг Стерлиматак химиятехника тажриба заводи ёрдамчи хўжалиги ишчиси А. Плататонов етиштирилган яшил озуқани ўриб олаётир.

ҲАМКОРЛИКДАГИ КЎРГАЗМА

«Раҳм-шафқат ва обидалар архитектураси» — Москвадаги Ворошилов райони кўргазма залида очилган асарлар кўриги шундай деб номланади. Кўргазмага 200 га яқин асар қўйилган.

Суратда: кўргазма залида.

ДОНОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Кишинев шаҳридаги қон қуйиш республика станциясига келиб қон топширувчи донорлар сафи ўсмоқда. Инсон сиҳат-саломатлигини сақлаб қолиш учун курашаётган донорлардан қардош республикаларнинг аҳолиси ҳам беҳад миннатдор.



Суратда: «Флор» совхози ҳайдовчиси М. Макевой донор сифатида ҳурмат қозонган.

ТАСС суратлари.

Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

Машаққатли йўл

Республика енгил саноатининг йирик корхоналаридан бири бўлган бу бирлашма ҳақида гап кетганда, беихтиёр 1972 йилнинг баҳоридаги машъум ҳодиса эсга тушади. Эрта-индин фойдаланишга топшириш мўлжалланган иншоот биноси 40 минут ичида ёниб битганлигидан кўпчилик ғоят ачинганди.

Кўп ўтмай тушкунликка барҳам берилди. Тармоқ министрлиги ва республика партия-ҳукуматининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли ёнғин оқибатлари тугатилиб, қурилиш монтаж ишлари авж олдирилди. 1973 йил охирида корхона қуриб битказилди.

Бироқ корхона иши бирдан юриша қолмади. Тўқувчи ва йигирувчилар маоши жуда кам. Региондаги энг йирик тўқимачилик корхонаси иқтисодий танглик ботқоғига ботиб бораверди. У ишга туширилгандан сўнг ўтган ўн йил ичида беш марта бош директор алмаштирилди. Ў. Умарбеков, Ғ. Аҳмедов, А. Исмоилов, Қ. Сардиев, О. Исҳоқов... Енгил саноат соҳаси билан шуғулланувчи мансабдорлардан бирининг калласида янги фикр пайдо бўлди: «Ҳозир марказий районлардан кадр келтириш расм бўлган, балки Бухоро комбинатини марказдан келган раҳбар ўпирилишдан олиб чиқар». Ҳаш-паш дегунча бирлашма бош директори курсисига РСФСРнинг Иваново шаҳридан таклиф этилган Эдуард Соколов деган қимматли кадр ўтказилди. Лекин рус тўқимачилигининг ватанидан келган бу ўртоқ кўп минг кишилик корхонанинг ҳайбати босибми ёки янги жой қийинчиликларидан чўчибми, бир квартал ҳам ишламасдан жўнаб қолиш ҳаракатига тушди. Яна бирлашма бош директорсиз қолди.

Маслакдошлар

Улар жуда кўп — ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб. Ҳар бири ишхонасини ўзича севади: бири ўз муҳаббатини очиқ ифода қилиб, бошқаларни ўзига эргаштирса, иккинчисининг туйғулари пинҳон: ҳар куни бутун меҳрини касбига бериб ишлайди-ю, хотиржам уйига қайтаверади. Исмоил Фозилов номи бухороликлар хотирасида кўҳна шаҳар тўқув ҳунармандчилигига асос солган сулолалардан бирининг давомчиси сифатида сақланиб қолган. Ғуломбобонинг зурриёти эски қўлбола тўқув дастгоҳида ишлашнинг ҳавосини олганди. Бу унинг Ғельман номли артелда тез обрў топиб кетишга сабаб бўлди. Исмоил ака артель базасида ташкил топган трикотаж фабрикасида 44 йил ишлади. Оддий тўқувчиликдан директорликкача кўтарилди. У раҳбар бўлган давр мобайнида Минорои Калонда очилган мўъжаз артель замонавий социалистик корхонага айланди. Ҳозир марҳум уста тўқувчининг ишини унинг фарзандлари Абдунаби, Феруза ва Зулхумор давом эттиришяпти.

Абдунаби 1974 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирибоқ бирлашманинг техника бўлимига ишга келди. Ёш инженер-химикнинг ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришдаги ҳаракатлари яхши натижалар берди. Кўп ўтмай у бўяш цехига бошлиқ этиб тайинланди. Бу ерда унинг билимдон инженерлиги, ташкилотчилик истеъдоди ҳам намоён бўлди. Фабрикага директорлик қилди. Бирлашма бош инженери бўлиб ишлади. Уч йил бирлашма бош директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари бўлди. 1987 йили навбатдаги бош директор ишдан кетгач, бу масъулиятли вазифага Абдунаби лойиқ топилди. Илгарироқ шундай таклифга тажрибаси камлиги, ҳали ёшлигини сабаб қилиб рози бўлмаган эди. Бу сафар у масъулиятдан ўзини олиб қочмади. Чунки ҳозирга келиб ўзининг ёлғиз эмаслигини яққол ҳис этди. Мамлакатда бошланиб кетган қайта қуриш жараёни ва иқтисодий ислоҳот кўпдан-кўп ташаббускор ёшларни юзага чиқарди. Бош директор иш бошлашда ана шундай маслакдошларга суянди.

Тўқимачилик инженер-технологи Шукрулло Давиров қисқа вақт ичида мастерликдан бирлашма бош инженери даражасига кўтарилди. Ишлаб чиқаришни ички-чикирларигача маҳорат билан эгаллаб олган бу йигитнинг ташкилотчилик фазилатлари бирлашманинг Вобкентдаги филиалини ишга солишда ва бош корхонадаги 2-йигирув-тўқув фабрикасини бошқаришда кўзга ташланди. Ибодулла Каримов институтни битиргач, ўз соҳасида узоқ ишламади. Уни область комсомол комитети аппаратига ишга олишди. Лекин кўп вақти тўқимачилар орасида ўтарди. Сал ўтмай у ўзи бевосита иш олиб борган ёшлар ташаббуси билан бирлашма касаба союз комитети раислигига сайланди. Ҳозир Ибодулла бош инженер ўринбосари, айни вақтда меҳнат коллективи кенгашининг раиси Мамат Алиев, Юрий Қодиров, Рая Шамсуддинова, Аҳмад Исмоилов... Улар кўп. Улар бош директорнинг маслакдошлари.

Абдунаби шундай маслакдошлари билан қолоқлик сабаблари, давлатнинг юз миллион сўмлик қарзидан қутилиш йўллари ҳақида узоқ маслаҳатлашди. Оддий тўқувчи ва йигирувчилар билан суҳбатлашди. Шу нарса аён бўлдики, бирлашма цехлари янгича қурилган, сатҳи кенг, шифти баланд бўлгани билан ўрнатилган ускуна ва дастгоҳлар ниҳоятда эски. Иплар тез узилади. Чиқарилаётган газлама талабга жавоб бермайди — эни тор, босилган гул нусхалари дидсиз. Шунинг учун харидорини топмай, омборларда тахланиб ётган тайёр маҳсулот тобора кўпаймоқда.

Бош директор савдо бўйича муовини Мамат Алиевга юзланди.

— «Экспортлён» нима деяпти?

— Абдунаби Исмоилович, экспорт билан ўзимиз шуғулланмасак бўлмайди. Воситачилар маҳсулотимиз учун бизчалик жон куйдиришмаяпти. Агар чет эллик харидорларга ўзимиз чиқа олсак, янги замонавий асбоб-ускуналар ҳам харид қилиш мумкин.

— Бўлди, бундан буён экспорт масалалари билан ҳамма шуғулланади. Мен ҳам, бош инженер ҳам, цехлар ҳам бу ишга бош қўшади. Ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирмайди.

«Ҳаммаси сотилган»

Ўтган йили бирлашма экспорт учун маҳсулот тайёрлаш планини ошириб бажарди. 17 миллион 589 минг метр ўрнига 18 миллион 377 метр газлама юборилди. Бухоро газламасига АҚШ, Перу Республикаси, Португалия, Туркия, Чехословакия, Югославия, Афғонистон ва Гонконг каби мамлакатлар харидор бўлишди.

— Нега бирдан шундай кескин ўзгариш юз берди? — деган саволимга жавобан бош директор шундай деди:

— Биласизми, назаримда, биз энди-энди ҳақимизни танияпмиз. Шу пайтгача чет эл билан савдо-сотиқ қиладиган марказдаги воситачиларимизга ишониб юраверган эканмиз. Масалан, ҳозир жаҳон бозорида қандай газлама урф бўлганини биласизми? Тикувчилик фирмалари кенг энли, метражи узун ва ранги оппоқ қордай товланувчи, бежирим гулли газламани хуш кўришар экан. Биз Бухоро далаларида етиштирилаётган «Бухоро-6», «108-Ф» ва «Қизилравот» ғўза навларининг ҳосилидан ана шундай сифат кўрсаткичларига эга бўлган ажойиб газлама тўқияпмиз.

Ўтган йили Москвада бўлган халқаро ярмаркага бориб, биз савдода ҳали анчагина қолоқ эканимизни сезиб қолдик. Атрофга қарасам, ҳамма турли йўллар билан ўз молини мақтайди, харидорга чиройли кўрсатишга, нархини оширишга ҳаракат қилади. Бизнинг ўлкамиз хом ашёсидан маҳсулот чиқараётган Болтиқбўйи тўқимачилари замонавий муомала хадисини олишибди — ўз кўргазма бўлимларида компьютер техникаси ўрнатишибди. Яхши кийинган қомати расо қизлар пульт ёнида чет эллик коммерсантлар билан бемалол тиллашишяпти, қаранг. «Абдунаби, дадил бўл» дедим ўзимга- ўзим.

Бухорога қайтибоқ савдо хизматини қайта қуришга киришдик. Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг раҳбарлари, барча мутахассислар иқтисодий билимларини ошириш устида ишлай бошлашди. Инглиз, француз ва немис тилларини бурро биладиган таржимон қизларни ишга қабул қилдик. Жаҳон бозорида газлама савдосининг бориши, ривожланган мамлакатларда чиқарилаётган тўқимачилик дастгоҳи ва ускуналарини мунтазам ўрганишни йўлга қўйдик. Бу соҳада бирлашма бош инженери ва унга тегишли хизматлар, хусусан, техника бўлими мутахассислари олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Чет элга сотилган маҳсулотимиз эвазига тушган валютанинг тегишли қисми ниҳоят бирлашма ихтиёрига етиб келди. Бошлаган ишимиз самарасини меҳнат коллективига дарҳол кўрсатишни ният қилдик. Ишчилар овқатланадиган ошхоналар учун чет эл автомат қурилмалари, шарбат ва чанқовбосди ичимликларни совутадиган мосламалар, қандолатчилик маҳсулотлари сотиб олинди. Ишчиларимиз учун сўнгги фасондаги турли кийим-кечак, пойабзал келтирдик. Ишлаб чиқариш ва дам олиш биноларини безаш учун чет эл материаллари, хусусан сифатли бўёқ олинди. Медицина-санитария бўлимимиз учун 40 минг сўмлик даволаш ва диагностика асбоб-ускунасига буюртма бердик. Область болалар шифохонаси учун ҳам 50 минг сўмлик валюта ажратдик. Югославия 400 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотлари, Руминия 200 та мебель комплекти, Покистон нусха кўпайтириш аппарати ва 500 дона турли хил магнитофон юборадиган бўлди. Биз бу молларни яхши меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимизга тақсимлаймиз.

А. Фозилов ўтган йил майида Москвада бўлган ярмаркада бошдан-охир ўзи иштирок этди. Бухоро газламалари намойиш қилинган бўлимда компьютерлар ишлаб турди. ЭҲМ операторлари ва таржимонлар ёрдамида Иттифоқ ва чет эл вакилларининг истаган саволларига тез ва қониқарли жаволар берилди. Нусхалари олиб борилган газламаларнинг ҳаммаси уч соат ичида чет эл фирмаларига сотиб бўлинди. Кўргазмага қўйилган газлама нусхалари устида «Ҳаммаси сотилган» деган ёзувлар пайдо бўлди. Куба, Венгрия, Покистон ва Сингапур каби мамлакатлар вакиллари билан хом сурп, гулли мато ва сочиқлар сотиш юзасидан самарали музокаралар ўтказилди.

Бир қанча мамлакатларнинг вакиллари янги машина ва ускуналар сотиш, турли хилдаги хизмат кўрсатиш ишлари юзасидан музокаралар учун амалий таклиф билан боришга бухороликларни расмий равишда таклиф этдилар. Бирлашма раҳбарлари ҳозир ким қаерга бориши, нима харид қилиши ҳақида келишиб олишган. Масалан, бош инженер Ш. Н. Давиров техникавий ускуналар импорти бўйича шуғулланади. Тузилган савдо битимларига мувофиқ ўз сўзига содиқ тўқимачилар чет эллик харидорларга ўтган йил мобайнида улгуржи нархларда 38,7 миллион сўмлик маҳсулот юборишди.

Моли элга манзур хўжайин навбатдаги ёйма бозорни кутиб ўтирмайди. Харидорнинг ўзи унинг ҳузурига келади. Ўтган Наврўз байрами кунлари шаҳардаги маданият ва техника саройи заллари тантанавор тус олди. Бу ерда «Бухоро—текстиль» (бирлашмани халқаро савдо-сотиқ оламида шундай аташади) ва «Меркурий гармантс индастриз — Покистон» фирмалари биргаликда ташкил этган халқ истеъмоли моллари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Покистон фирмасининг президенти Муҳаммад Осиф пахтакор ўлка маҳсулотларига яхши баҳо берди. Ҳар икки фирма раҳбарлари савдо-сотиқни ривожлантириш тўғрисида келишиб олишди ва шу ҳақдаги шартнома ҳужжатларини имзолашди.

«Иш қуролинг соз бўлса...»

Бирлашма фойдаланишга топширилгандан бери ўн беш йил ўтди. Коллектив икки йилдан бери хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишламоқда. Бунгача у ҳар йили 10 миллион сўмдан зарар кўрарди. Тўқимачилар фойданинг норматив тақсимотига асосланган усулда, яъни хўжалик ҳисобининг биринчи модели бўйича ишлашяпти. Қайта қуришнинг таркибий қисмини ташкил этувчи иқтисодий ислоҳот, раҳбар ва мутахассисларнинг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ва дадиллиги ишчиларда соҳиблик туйғуси пайдо бўлганлиги натижасида бирлашма донғи дунёга кетди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳозирга келиб 50 хилгача кўпайди. Бу ерда тайёрланаётган молларнинг 20—22 процанти ҳар ойда янгиланиб турибди. Ўтган йили пландаги 4,4 миллион ўрнига 5,7 миллион сўм соф фойда олинди.

1989 йилга келиб қайтариш муддати ўтиб кетган қарзлар тўлаб бўлинди. Бирлашма фойда кўриб ишлашга ўтди. Ҳозир бу улкан коллектив Совет Иттифоқидаги 350 адресга, Европа, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига маҳсулот етказиб бермоқда. Таъбир жоиз бўлса, Бухоро газламаси бутун Ер шарини ўраб олди, десак хато қилмаймиз.

Бирлашмада ички хўжалик ҳисоби дадил йўлга қўйилмоқда. Ғиждувондаги йигирув-тўқув фабрикаси яқин вақтларгача хом ашёни нари-бериси билан 120 километр масофа йўл босиб бош корхона омборидан ташиб келтирар, оқибатда ортиқча транспорт харажати меҳнат коллективи гарданига тушарди. Эндиликда бирлашма филиаллари — Ғиждувон, Вобкент ва Қоракўл фабрикаларига иқтисодий мустақиллик берилди. Улар маҳаллий банкларда ўз ҳисобларини очишган. Масалан, яқинда ўз лабораториясига эга бўлган ғиждувонликлар шундоқ кўчанинг нариги тарафидаги пахта тозалаш заводи толасини ишлатишмоқда. Меҳнат унумдорлиги ошди.

Лекин эришилган ижобий силжишларга қарамай, бирлашма фаолиятида камчиликлар йўқ эмас. Бир қанча муаммолар йиғилиб қолган. Агар шу муаммолар ҳал этилса, коллектив қайта қуришнинг тармоқдаги ҳақиқий байроқдорига айланиши турган гап.

— Таъминотда узилиш кўп, — дейди куйиниб таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари С. Абдушукуров. — Москва техникавий ускуналар заводи, Иваново тармоқ машинасозлиги корхонаси эҳтиёт қисмлар ва ёрдамчи материалларни ўз вақтида етказиб бермаяпти. Оқибатда ўнлаб дастгоҳлар бекор турибди. Ана шундай узилишлар туфайли Россиянинг марказий шаҳарларига «чопарлар» юборишга мажбур бўлмоқдамиз. Москва областининг Дзержинск шаҳридаги вакилимиз Санақуловнинг хабар қилишича, у ердаги завод агар ҳар 10 тонна водород перекиси учун бирлашма 1000 сўмдан мукофот пули (?) берсагина шартнома буюртмаси вақтида бажарилар экан.

Цехларда ўрнатилган дастгоҳлар ниҳоятда эскилиги ҳақида гапириш ҳамманинг жонига теккан. Лекин танқидларнинг натижаси сира кўринмаяпти. Ҳануз қув фабрикаси цехларига таклиф қилди. Маълум бўлишича, ишлаб чиқариш корпуслари лойиҳаланганда дастгоҳларни жойлаштириш эски ҳолича, оралари ниҳоятда торлигича қолдирилган экан. Ўртача қоматли одам эркин бурила олмайди.

— Кейинроқ ишга туширилган участкаларда оралиқларни анча кенгайтиришга қарор қилдик. Қаранг, тўқувчи эркин ҳаракат қилиб ишламоқда. Бу дастгоҳнинг иш ҳолатидаги силкиниши иккинчисига ҳаво тўлқини орқали таъсир қилмайди. Ип узилиши кескин камайди. Ўз навбатида маҳсулот сифати сезиларли даражада ошди.

Суҳбатимиз якунида бош директор А. Фозилов корхона истиқболи ҳақида гапира туриб, яқин келгусида бирлашма таркибида тикувчилик корхонаси барпо этиш, шу ернинг ўзида Ўзбекистон турар жой-социал банки, Жамғарма банки ва Тошқи иқтисодий алоқалар банкининг филиалларини очишни мўлжаллашаётгани ҳақида гапириб берди. Шунда бир ёқдан толани қабул қилиб, иккинчи томондан тайёр истеъмол буюм чиқариладиган йирик концерн яратилади. Хуллас, ёш раҳбарнинг режалари катта.

Ҳа, бирлашма юксалишнинг ойдин йўлига тушиб олди. Бу ерда қайта қуришнинг ҳақиқий жонкуярлари меҳнат қилишмоқда. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари йўлга қўйилгач, ишчи ҳам, мутахассис ҳам, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мутахассислари ҳам корхона истиқболи ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлишди.

ҚОЛОҚЛИКДАН — ЖАҲОН БОЗОРИГА

XII БЕШ ЙИЛЛИК

• *Бухоро ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси тажрибасидан*

— Москва техникавий ускуналар заводи, Иваново тармоқ машинасозлиги корхонаси эҳтиёт қисмлар ва ёрдамчи материалларни ўз вақтида етказиб бермаяпти. Оқибатда ўнлаб дастгоҳлар бекор турибди. Ана шундай узилишлар туфайли Россиянинг марказий шаҳарларига «чопарлар» юборишга мажбур бўлмоқдамиз. Москва областининг Дзержинск шаҳридаги вакилимиз Санақуловнинг хабар қилишича, у ердаги завод агар ҳар 10 тонна водород перекиси учун бирлашма 1000 сўмдан мукофот пули (?) берсагина шартнома буюртмаси вақтида бажарилар экан.

Цехларда ўрнатилган дастгоҳлар ниҳоятда эскилиги ҳақида гапириш ҳамманинг жонига теккан. Лекин танқидларнинг натижаси сира кўринмаяпти. Ҳануз қув фабрикаси цехларига таклиф қилди. Маълум бўлишича, ишлаб чиқариш корпуслари лойиҳаланганда дастгоҳларни жойлаштириш эски ҳолича, оралари ниҳоятда торлигича қолдирилган экан. Ўртача қоматли одам эркин бурила олмайди.

— Кейинроқ ишга туширилган участкаларда оралиқларни анча кенгайтиришга қарор қилдик. Қаранг, тўқувчи эркин ҳаракат қилиб ишламоқда. Бу дастгоҳнинг иш ҳолатидаги силкиниши иккинчисига ҳаво тўлқини орқали таъсир қилмайди. Ип узилиши кескин камайди. Ўз навбатида маҳсулот сифати сезиларли даражада ошди.

Суҳбатимиз якунида бош директор А. Фозилов корхона истиқболи ҳақида гапира туриб, яқин келгусида бирлашма таркибида тикувчилик корхонаси барпо этиш, шу ернинг ўзида Ўзбекистон турар жой-социал банки, Жамғарма банки ва Тошқи иқтисодий алоқалар банкининг филиалларини очишни мўлжаллашаётгани ҳақида гапириб берди. Шунда бир ёқдан толани қабул қилиб, иккинчи томондан тайёр истеъмол буюм чиқариладиган йирик концерн яратилади. Хуллас, ёш раҳбарнинг режалари катта.

Ҳа, бирлашма юксалишнинг ойдин йўлига тушиб олди. Бу ерда қайта қуришнинг ҳақиқий жонкуярлари меҳнат қилишмоқда. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари йўлга қўйилгач, ишчи ҳам, мутахассис ҳам, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мутахассислари ҳам корхона истиқболи ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлишди.

Муҳокама учун мулоҳаза

● Масъул ўртоқлардан бири Ўзбекистон пахтаси учун хориж тўлаётган валютанинг 2 процентини республика ихтиёрига юбориш марказий органлардан илтимос қилинаётгани, бироқ бу илтимос ерда қолаётгани ҳақида айтиб берди. Ташқи савдо идорасининг Ўзбекистон пахтасини четга сотиб, атиги 1 процент (?) ҳақини эгасига қайтараётганига нима деса бўлади?

● Чет эл фирмаларидан тайёр газлама эвазига тушаётган валютанинг 32,5 процентгинаси Бухоро ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтиёрига берилянти. Ҳолбуки, пахтакорлар етиштирган хом ашёдан фойдаланиб, хорижга маҳсулот сотаётган эстон тўқимачиларн чет эл тўлаётган валютанинг 72 процентини олишмоқда.

● Бирлашма ўтган йили 24 минг тоннадан ортиқ тола йигирди. Бу — 80 минг тоннага яқин пахта хом ашёси демак. Бу йил бу рақам 90 минг тоннага етиши мумкин. Область деҳқонлари эса йилига 600 минг тоннадан ошириб пахта етиштириб турибди. Шунга кўра, хом ашёси ва бутловчи қисмлари бошқа регионлардан келтириладиган саноат объектлари, хусусан химия заводлари қуриш ўрнига республикамиз шаҳар ва районларида тўқимачилик тармоғини кескин ривожлантириш мақсадга мувофиқ эмасми?

А. АБДУБАННОПОВ,
Вильнюс олий партия мактабининг тингловчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Республикамиз халқининг келажаги ҳамонки пахта билан боғлиқ экан, уни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш ниҳоятда фойдали бўлур эди.

Бухороликлар тажрибасидан кўриниб турибдики, ҳаридорга тайёр маҳсулот сотишнинг республикага нафи катта. Шу йўл билан айрим танқис саноат моллари ва озиқ-овқат муаммоларини ҳам бир қадар ҳал қилиш мумкин. Ўйлаймизки бухороликларнинг фаолияти кенг оммалаштиришга сазовор. Планлаштирувчи органлар, Ўзбекистон Енгил саноат министрлиги бу масалага алоҳида эътибор беришлари зарур.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан



Олий ва ўрта махсус таълим ислоҳоти амалга оширилмоқда. Билимларнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлаш кўпайтирилади ва яхшиланади. Мамлакатнинг марказий олий ўқув юртлари билан алоқаси кенгайтирилади, бу ўқув юртларига ҳар йили республикадан 3 мингдан зиёд йигит ва қиз юборилади.

Студентларнинг ижтимоий муаммолари жадал суръатлар билан ҳал қилинади... Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг шахсий квартираларда яшовчи 78 минг студентига ҳар ойда квартира ҳақининг бир қисми тўланади.

(Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастуридан).

ЁРҚИН НУҚТАЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. САРИМСОҚОВ билан мулоқот

Суҳбатдошимизни таништириб ўтамиз: Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов — ўзбек совет математиги ва жамоат арбоби, физика-математика фанлари доктори, 1936 йили Ўрта Осиё давлат дорилфунунини тугатгач, ассистент, доцент, профессор ва кафедра мудири бўлиб ишлаган. Улуғ Ватан урушида ҳарбий метеоролог сифатида хизмат қилган. Ҳарбий хизмат даврида «Ҳолатлар саноқли бўлган Марков занжирлари ҳақида» докторлик диссертациясини ёқлаган. 1943-46, 1952-58, 1971—1983 йилларда университет ректори бўлиб ишлаган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти ва президенти, республика Олий ва ўрта махсус таълим министри бўлиб ишлаган.

Саримсоқовнинг дастлабки ишлари эҳтимоллар назарияси методларини классик анализ қилиш масалаларини татбиқ этишга бағишланган. Унинг туркумли ишларида Марков занжирлари текширилган. У биринчи марта матрицалар методини характеристик функциялар методи билан бирлаштириш асосида эҳтимоллар назариясининг катта сонлар қонуни, марказий лимит теорема, такрорий логарифм қонуни ва бошқа теоремаларни саноқли ва узлуксиз ҳолатли Марков занжирларига ёйган. Саримсоқовнинг бир қатор ишлари бир жинсли бўлмаган Марков занжирларига оид. Хусусан, А. Н. Колмогоров ва В. И. Романовский усулларининг синтезига оид ишлари муҳим.

Саримсоқовнинг қатор ишлари Ўрта ва Олд Осиё синоптик жараёнларини ўрганиш масалаларида эҳтимоллик схемаларини қўллашга бағишланган. Шу йўналишдаги тадқиқотлари учун у СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган. Олим илмий ишларининг яна бир муҳим йўналиши ўзи яратган ва ривожлантираётган топологик ярим майдонлар назариясидир. Саримсоқов ва шогирдларининг бу соҳадаги ишлари натижасида топологня ва функционал анализнинг Тошкент мактабига асос солинди. Ярим майдонлар назарияси ва унинг эҳтимоллар назариясига татбиқи соҳасидаги ишлари учун Саримсоқов бошлиқ олимларга Ўзбекистон ССР Беруний номидаги Давлат мукофоти берилган.

Биз бугун атоқли олим билан Тошкент Давлат дорилфунуни ташкил этилган кунининг 70 йиллиги олдидан суҳбатлашдик.

— Тошмуҳаммад Алиевич, Сизнинг кўпгина вақтингиз, илмий ва ижодий фаолиятингиз Тошкентдаги дорилфунун билан чамбарчас боғлиқ. 1990 йили биз дорилфунун ташкил этилганлигининг 70 йиллигини нишонлаймиз. Бу улуғ даргоҳ В. И. Ленининг машҳур Декрети асосида ташкил этилган. Талабалик йилларингизни қандай хотирлайсиз?

— 1931 йили, яъни 8-синфни битириш арафасида Ўрта Осиё Давлат университетининг тайёрлов бўлимига қабул қилиш ҳақидаги эълонни ўқиб қолдим. Бу менга тинчлик бермади. Аҳмадали акам билан Тошкентга отландим. Бундай курсларга 17 ёшдан қабул қилишар экан, мен эса 16 ёшда эдим. Бахтимга ўқишга қабул қилиндим. Ётоқхона билан таъминландим. Мен таҳсил олаётган группада ўқиш муддати қисқа бўлганидан ўқув программаси тиғизлаштирилган эди. Шу сабабли қунт билан ўқишга тўғри келди. Математика программасини ўзлаштиришимда муаллим Михайлов ёрдам берди.

Тайёрлов курсини муваффақиятли тамомлаб, дорилфунуннинг физика-математика факультетининг биринчи курсига имтиҳонсиз қабул қилиндим. Шу йўсин 1931 йилнинг 1 сентябрида олий ўқув юртининг тўла ҳуқуқли талабаси бўлдим.

Ўша пайтларда партия ва ҳукуматимиз мамлакатда саводсизликни тугатиш масаласини халқ маорифининг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйди. Мен ҳам саводсизликка қарши курашда фаол иштирок этдим. Биз бир неча талабалар Тошкент вокзали ортида жойлашган Қизил Шарқ вагон ремонти заводида ишчилар орасида ўқув курслари ташкил қилиб, саводсиз ишчиларни ўқитишга киришдик.

Дорилфунуннинг физика-математика факультети, 1930—1931 йиллар мобайнида география факультети билан биргаликда қандайдир сабабларга кўра ёпиб қўйилганди. 1931 ўқув йилининг бошланишида эса қайта тикланганди. 1930 йилга қадар эса бутун табиий фанлар биргина физика-математика факультети таркибида бирлаштирилганди. 1931 йилдан бошлаб бу борадаги аҳвол ўзгарди. Университетнинг медицина факультети ажралиб, мустақил институтга айлантирилди. Кейинчалик бир неча факультетлар ҳам ажралиб, алоҳида институтларга айлантирилганди. Албатта, мамлакатимиздаги тарихий шароит шуни тақозо қилган бўлса керак.

Янгитдан ташкил этилган физика-математика факультетига, физика, математика, геофизика мутахассисликлари бўйича 150 талаба қабул қилинди. Замон шароитига кўра, мазкур талабалар орасида маҳаллий халқ болалари жуда камчиликни ташкил этарди. Физматга қабул қилинган талабаларнинг билим савияси, умуман олганда, жуда паст эди. Шунинг учун ҳам 150 талабадан охир-оқибатда 20 талабагина физматни битиришга муяссар бўлганди.

Биз университетда ўқишни бошлаган пайтимизда, бошқа олий ўқув юртларидаги каби, ўқитишнинг турли йўл-йўриқлари, чунончи биринчи курсларимизда ўқитишнинг фаол — лабораория усули синаб кўрилмоқда эди. Бу усулнинг асосий моҳияти шундаки, лекциялар деярли ўқилмас, талабалар у ёки бу фан муаллими назоратида аудиторияда мустақил иш олиб боришар ва ё айрим гуруҳларга бўлиниб, муаллим тавсия қилган дарсликдан фойдаланган ҳолда темага оид илмий муаммолар ҳақида баҳслашарди. Мабодо иш жараёнида талабага дарсликдаги айрим масалалар ноаниқ бўлиб, савол туғилса шу ерда муаллимдан сўраб, маслаҳат олинарди. Бизда ҳам математик темаларни ишлаш жараёни худди шундай кечарди. Шундан сўнг группалар 4-5 талабадан иборат кичик группаларга бўлинар, группа аъзоларининг ҳаммаси имтиҳонга тўла-тўкис тайёр бўлмагунча, имтиҳон қабул қилинмасди.

Математик фанларнинг асосий курслари ва умумий назарий курсини бизга ажойиб лектор ва улкан олим (аввал доцент, кейинчалик профессор) Назаров ўқирди. Николай Николаевич математиканинг кўпчилик қисмлари ва назарий механикадан юксак савияда дарс олиб борарди. У ҳар бир лекцияга алоҳида диққат-эътибор ва масъулият билан тайёрланарди.

— Тошмуҳаммад Алиевич, сиз ажойиб инсон ва мураббий В. И. Романовский номини ҳурмат билан тилга оласиз. Шундайми?

— Албатта, В. И. Романовский қимматли устоз, Тошкентда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳасида таниқли илмий мактаб ташкил этган олим ва арбобдир.

В. И. Романовский 1879 йилнинг 5 декабрида Олмаота шаҳрида туғилган. 1900 йилда Тошкентдаги реал билим юртини олтин медаль билан битириб, ўрта маълумот олган. Сўнг В. И. Романовский Петербург университетига кириб, уни 1906 йилда муваффақият билан битиргач, шу ернинг ўзида профессорлик унвонига тайёрланишга қолдирилади, (бу эса ҳозирги аспирантурага мос келади). Магистрлик имтиҳонларини топширгач 1908 йилда Тошкентга қайтиб келиб ўзи ўқиган билим юртида математика ва физикадан дарс беради. 1911 — 1917 йилларда аввал доцент, сўнг 1915 йилдан бошлаб профессор лавозимида Варшава ва Ростов-Дон университетларида ишлайди.

1916 йилда докторлик диссертациясини тайёр қилади. Аммо уруш муносабати билан диссертация ҳимояси амалга ошмаган. 1918 йилда у яна Тошкентга қайтиб келади. Бу ерда аввал Туркистон халқ университетида, сўнгра улуғ В. И. Ленин асос солган Туркистон давлат университетида ташкил этилган кунидан бошлаб ишлайди. Бу университетнинг физика-математика факультетида В. И. Романовский то умрининг охиригача, яъни 1954 йилга қадар ишлади.

1935 йилда биринчи бор Совет Иттифоқида кандидатлик ва докторлик илмий даражалари киритилганда, ун ҳимоясиз физика-математика фанлари доктори даражаси берилади. 34 йил мобайнида В. И. Романовский аввало умумий математика, сўнгра эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраларига раҳбарлик қилади. Бир неча йил мобайнида Романовский Ўрта Осиё университетининг физика-математика факультетининг декани бўлиб ҳам ишлайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилганидан бошлаб В. И. Романовский академиянинг ҳақиқий аъзоси ва физика-математика бўлимининг раиси лавозимларида ишлайди.

ТошДУ тарихида унинг педагогик фаолияти ёрқин из қолдирган. Айниқса университет ташкил этилган даврларда унинг фаолияти ғоят кўп қиррали бўлган.

Кенг ва самарали илмий тадқиқот ишлари билан бир қаторда у математиканинг кўп соҳалари бўйича лекциялар ўқиган. Ҳаммаси бўлиб В. И. Романовскийнинг 160 дан ортиқ илмий асарлари чоп этилган. Бу асарларнинг кўпчилиги эҳтимоллар назарияси билан математик статистикага оид. Математиканинг бошқа соҳалари билан, кўпроқ дифференциал ва интеграл тенгламалар, алгебра ва сонлар назарияси билан шуғулланган. Ундан ташқари эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг баъзи муаммоларига боғлиқ бўлган анализ ва алгебранинг масалалари соҳасида изланишлар ҳам олиб борган.

В. И. Романовскийнинг мамлакатимизда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳаларида олиб борилган илмий ишларга қўшган ҳиссаси, айниқса салмоқлидир. Шунинг учун ҳам у мамлакатимизда ва чет элларда фаннинг шу соҳалари бўйича катта обрў қозонган эди.

— Илк илмий изланишларингиз хусусида ўртоқлашсангиз...

— Илмий изланишларимнинг асосий йўналиши аввалгидек, иккинчи тартибли дифференциал тенгламаларнинг, хусусан, классик орторгонал кўпҳадларни қаноатлантирадиган шундай тенгламаларнинг тебранувчи ечимлари илдизларининг тақсимотини ўрганишдан иборат бўлди. Бу масалалар билан бир қатор совет математиклари ва чет эллик, масалан французлик ва голландиялик математиклар шуғулланганлар. Менда бу масалаларга дастлабки қизиқиш В. И. Романовский билан бўлган бир суҳбатдан бошланган эди. Шу суҳбатда у менга академик А. А. Марков эҳтимоллар назариясининг марказий лимит теоремасини бошқа усул (моментлар усули) билан исбот қилиш учун 8 йил муддат сарфлаганини, аввал бу теорема характеристик функциялар методи билан машҳур рус математиги А. М. Ляпунов томонидан исбот қилинганини айтганди. Бу теорема Ляпунов теоремаси деб юритилади. А. А. Марков Ляпунов теоремасининг ўзи таклиф этган усул билан исботлаш жараёнида машҳур Эрмит кўпҳадларнинг хоссаларига оид бир ёрдамчи, аммо жуда муҳим фактни йўл-йўлакай исботлаган экан. Кейинчалик маълум бўлдики, Марков томонидан узундан-узоқ исботланган ёрдамчи бу факт мен ўрганган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар тебранувчи ечимларнинг хоссаларига оид натижалардан осонгина келиб чиқар экан. Шуни ҳам айтиш лозимки, юқорида номлари келтирилган, математик жамоатчиликка маълум бўлган, машҳур рус математиклари А. А. Марков ва А. М. Ляпуновлар улуғ рус математиги П. Л. Чебишевнинг шогирдлари бўлганлар.

Шу вақтларда мен биринчи марта маъмурий ишга ҳам тайинландим. Физика-математика факультетининг декани ўринбосари лавозимида ишга киришдим.

1938-39 ўқув йилида мен маъмурий ишдан ҳоли бўлдим. Шу давр мобайнида мени М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг механика-математика факультетига малака ошириш учун юборишди.

— Дорилфунун тарихига назар ташласак, сиз унга уч бор раҳбарлик қилгансиз. Ректорлик лавозимида ишлаган кезларингиз ҳақида нима дейсиз?

— 1943 йилнинг март ойида ҳаётимда янги бир босқич бошланди. Шу пайтда ТошДУ ректори физика мутахассиси, профессор С. Умаров эди. ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети Раиси ўринбосари лавозимига кўтарилди. Султон Умарович ҳазил-мутойибани хуш кўрувчи, ёзувчилик қобилиятига ҳам эга шахс эди. Кейинчалик у ЎзССР Фанлар академиясининг физика-техника институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Тожикистонга кетиб, республика Фанлар академиясининг президенти этиб сайланди.

Шундай қилиб, мени 1943 йилнинг март ойида ТошДУ ректори лавозимига тайинлашди. Бу даврда ҳали партия аъзолигига кандидат эдим.

— 1944 йилда аъзоликка қабул қилиндим. Урушнинг энг шиддатли пайти. Ҳамма нарса фронт учун, ёвуз душман устидан ғалаба қилишга сафарбар қилинган. Ватан, эл тақдири хавф остида. Уруш даврининг машаққатли дамлари. Шу боисдан университет ходимларининг моддий аҳволи оғир эди.

Менинг маъмурий-ташкилотчилик тажрибам етарли эмасди. Устига-устак уруш машаққатлари. Бахтимга, география бўйича йирик мутахассис, илгари МДУнинг проректори бўлиб ишлаган профессор М. Г. Кадек проректор эди. Бу машҳур олим, айни пайтда жуда бой ташкилотчи, маъмурий-идоравий тажриба соҳиби эди.

«Бахташ таваккал» деганларидек, уруш бошлангандан сал вақт ўтгач, Москва, Ленинград, Украина, Белоруссиядан кўчирилган олимлар гуруҳи, ўзга шаҳарлар каби, Тошкентга ҳам келишди. Улар университетнинг фронтга кетган муаллимлари ўрнини тўлдиришди. Булар орасида, айниқса, гуманитар фанлар бўйича йирик мутахассислар — СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари кўпчиликни ташкил этарди. Шу жумладан: Б. Д. Греков, Ю. В. Готье, В. В. Струве, В. Ф. Шишмаров, В. М. Жирмунский, М. В. Нечкина, Е. Э. Бертельс, А. Ю. Якубовский, фан докторлари — С. Ф. Бархударов, Б. Р. Виппер, А. В. Благовешенский, Д. Д. Благой, А. К. Боровков, М. А. Наймарк, И. К. Петрушевский ва бошқалар бор эди. Уларнинг университет олимлари билан илмий ҳамкорлиги ажойиб натижалар билан якунланди. Юксак малакали илмий кадрлар тайёрланди. Ажойиб илмий-тадқиқот ҳосиласи қўлга киритилди. Уруш даврида ТошДУ илмий кенгашларида 277 та кандидатлик, 34 та докторлик диссертациялари ёқланди (булар орасида вақтинча кўчиб келганлар ҳам бор эди).

Ректорлик лавозимида узоқ ишлашга тўғри келмади. Чунки 1943 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил этиш тўғрисида СССР Халқ Комиссарлар Советининг қарори чиқди. Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ бошқалар қатори мен ҳам академиянинг биринчи таъсис таркибига киритилгандим. Шундан сўнг Фанлар академиясининг умумий мажлисида биринчи вице-президент лавозимига сайландим. Шу муносабат билан 1944 йилнинг июнь ойида университет ректорлиги лавозимидан озод қилиндим. Лекин университет билан алоқани тамоман узмадим, физмат факультетида умумий математика кафедрасининг мудири вазифасини давом эттирдим.

50-йилларда университет СССР Олий таълим министрлиги қарамоғида эди. 1945 — 1955 йиллар орасида университет сони ҳам, профессор-ўқитувчилари сони ҳам икки баробар кўпайди. 500 дан ошиқ муаллимлардан 40 тасини профессорлар, 150 тадан ортиғини доцентлар ташкил этарди. Энг муҳими шундаки, 1954 йилда ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ университетга унинг асосчиси Владимир Ильич Ленин номи берилди. Бу университетни совет халқига кўрсатган катта хизматларига лойиқ тарзда берилган юксак баҳо эди. 1960 йил апрель ойида ўша даврда қабул қилинган қоидага мувофиқ университет номи ўзгартирилиб, Тошкент Давлат университети деб юритила бошлади.

70-йиллар турғунлик йиллари бўлишига қарамай мамлакатимизда, университетларимизда илм-фаннинг ривожланиши давом этди. Олий таълим тарихида биринчи бор, ўлароқ университетлар олдига ўқув-илмий ва методик марказ сифатида қатъий талаблар қўйилди. Ана шу вазифалар, даврнинг реал талаб ва эҳтиёжлари заминида бизнинг университет республикадаги бошқа олий ўқув юртлари билан илмий алоқаларни мустаҳкамлай борди. Университет коллективи уларга, айниқса ёш олий ўқув даргоҳларига яқиндан амалий ёрдам берди. 1976 йилда ташкил топган Нукус давлат университетига фаол ёрдам қўли чўзилди. Университетнинг у ерда ўтказган сайёр илмий советлари шу амалий тадбирларнинг бири бўлди.

Шу даврда университетда Вьетнам, Афғонистон ва умуман Осиё ва Африка мамлакатларидан келган талабалар сони жуда кўпайди. Хорижий талабалар сони фақат университетнинг ўзидагина 500 тадан ошдики, бу ҳолат республикамизда олий таълим ишларини нақадар юксак поғонага кўтарилганлигидан аниқ далолат беради. Университетда студентларнинг ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт таълимига ҳам алоҳида аҳамият берилди.

— Демак, дорилфунунининг 70 йиллик юбилейи ҳаммамиз учун зўр шодиёна бўлиши шубҳасиз, шундайми?

— Албатта. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети алоҳида қарор қабул қилгани бежиз эмас. Дорилфунун юбилейи, халқлар дўстлиги юбилейидир. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири М. ПИРМАТОВ олиб борди.

ЭРКИН ФИКРЛАШ ДАВРИ

Оқбуви Қўчқорова мана ўн саккиз йилдирки, сут соғувчилик касбини эъзозлаб келади. У шу давр мобайнида жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Юқоридан берилган буйруқларни сўзсиз бажариш оқибатида штурмчиликка, тезатобчиликка йўл қўйилган пайтларни ҳам эслайди.

Қайта қуриш, турмушимизни тубдан ўзгартириш натижасида фермадагиларнинг ҳаёти ҳам яхши бўлиб қолди. Бу ерда сут соғувчилар-у молбоқарларга яхши маданий-маиший шароитлар яратиб берилди. Чорвадорлар уйида ҳамма нарса муҳайё. Улар махсус кийимлар билан таъминланишган. Моҳир ветеринар ва зоотехниклар чорва молларининг ҳолидан хабар олиб туради.

Эндиликда соғувчи фақат оддий ферма ходимигина эмас, у фикрлайди. У чорвадор меҳнатини яхшилаш юзасидан янги-янги ташаббусларни бошлаб юборади, Оқбуви Қўчқорова ҳам ана шундай пешқадамлардан. У боқимидаги сигирлардан мўл-кўл маҳсулот олиш устаси. Шунинг учун ҳам илғор чорвадорни Дўстлик районидаги «Комсомол» совхозида ҳамма ҳурмат қилади.

Суратда: Оқбуви Қўчқорова (ўнгда) ҳамкасблари Салтанат Жўраева ҳамда Муҳаббат Бекмирзаевалар билан.

У. ҚУШВОҚОВ суратн.

Якка тартибда қуриладиган уй-жойлар учун

✦ Фарғона областининг Ўзбекистон районидаги мотор-ремонти заводи коллективи истеъмолчиларга янги маҳсулотнинг — сув иситадиган қозонларнинг дастлабки туркумини юборди.

Янгилик хусусий уйларни иситиш учун мўлжалланган, бундай уйлар область қишлоқларида оммавий равишда қурилмоқда. Иситиш қозонлари газда ҳам, кўмирда ҳам ишлайверади.

Бу йил заводда қишлоқ меҳнатчиларининг буюртмалари асосида беш мингтадан кўп шундай қозон тайёрлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТБИЛИСИ, 31 январь. (Грузинформ—ТАСС). Грузия Компартияси Марказий Комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе докладида, нутқларда Грузия Компартиясининг, унинг сайлаб қўйиладиган органлари ва структура бўлинмаларининг сиёсий ва ташкилотчилик иши республикада шиддат билан кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга мос бўлмай келди ва ҳозир ҳам ҳамиша мос бўлаётгани йўқ, деб таъкидланди. Партия комитетлари, ушбу комитетлар комиссиялари ва аппарати иш услубини, партия органларининг совет, давлат, жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг шакл ва усулларини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Республикада вужудга келган жўн бўлмаган вазият Грузиядаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий структураларни, партиянинг ўзининг мақомини, янгиланган демократик жамиятда унинг мавқеи ва ўрнини қайта кўриш ғоят зарурлигини тақозо этмоқда.

Грузия ССРнинг миллий ривожланиши концепцияси — бу муҳим ишда ишончли таянчдир, мазкур концепция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан кейин пленум томонидан маъқулланди. Ишонч шаҳодатномасини олган бу сиёсий ҳужжат республика коммунистларининг, меҳнаткашларининг, жамоатчилигининг позициясини, интилишларини, ҳаётий манфаатларини аниқ-равшан акс эттиради. Мазкур ҳужжатга Грузия ва республика Компартияси суверенитетини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган дастлабки жиддий қадам, деб баҳо берилди.

Пленум Грузия ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайлов муносабати билан Грузия Компартияси Марказий Комитетининг баёнотини маъқуллади. Мазкур ҳужжатда, жумладан қуйидагилар таъкидланган: сайловда фаол ва жонкуярлик билан иштирок этиш — қайта қуриш, бирлашиш, ҳамкорлик ва барча соғлом кучларни жипслаштириш йўлида, республикада миллий давлатни ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида катта қадам бўлади.

Пленумда Грузия Коммунистик партияси XXVIII съездини муддатидан илгари, 1990 йилнинг апрель ойида чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

• Фавқулодда вазият

БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

БОКУ, 31 январь. (ТАСС). Озарбайжон пойтахтидаги вазият аста-секин нормаллашмоқда. Бокуда шаҳар транспорти, дўконлар, умумий овқатланиш корхоналари ишламоқда. Ўқув юртларида машғулотлар бошланди. Бир қанча йирик саноат корхоналари ишламоқда.

Аммо республиканинг айрим шаҳарларида иш ташлашлар давом этяпти. Чунончи, Шеки, Сумгаит, Ағдам, Ганжа, Нахичван, Ильичёвск, Бабек, Гульфа ва Ордубад шаҳарларидаги бир қанча корхоналар цехларида иш бошлангани йўқ. Озарбайжон темир йўлида 164 та юк ортилган поезд тўхтаб турибди. Шундан 113 поездаги юклар Арманистонга мўлжалланганлиги.

Озарбайжон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотларига кўра, республикадаги 548 саноат корхонасидан 29 январь куни 92 таси мутлақо ишламаган.

Сўнгги ойларда айниқса январда содир бўлган воқеалар республика халқ хўжалигига қимматга тушди. 1990 йилнинг 18 январидан кейинги даврда иш ташлашлар оқибатида кўрилган зиён 250,2 миллион сўмни ташкил этди, қурилиш комплексидаги зарар эса 30,3 миллион сўмга етди. Ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари ва Совет Армиясининг қисмлари жамоатчиликнинг мададига суяниб ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар ўтказишмоқда. Бокуда содир бўлган оммавий тартибсизликлар хусусида прокуратура қўзғатган жиноий иш юзасидан 13 январдан бери тергов давом этмоқда.

Тобора кўп аҳоли ҳаётни тезроқ изга солиш зарурлигини тушуниб етмоқда, можароли вазиятларни чиқаришга ҳаракат қилаётган экстремист гуруҳларнинг жамоатчиликка қарши хатти-ҳаракатларидан норозилик кучайиб бораяпти.

Боку аҳолиси республикада чиқадиган газеталарнинг ҳар бир сонини ҳамон сабрсизлик билан кутмоқда. «Бакинский рабочий» газетасида босилган СССР халқ депутати Н. Петрушенко билан суҳбат газетхонлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Газета мухбирининг сиз профессионал ҳарбий сифатида қўшин киритилиши хусусида нима дея оласиз, деб берган саволига депутат бундай жавоб берди: режани ишлаб чиқаётган қўмондонлик ҳуқуқий негизга, яъни СССР Олий Совети Президиумининг Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Фармонига эга эди, қўшинлар олдига конкрет вазифа қўйилган эди ва улар шу вазифани адо этишди. Энди Боку, Тоғли Қорабоғ ва у билан чегарадош бўлган Озарбайжон ҳамда Арманистон районларидаги комендантлик соати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, деб таъкидлади депутат, уни сўнгги экстремист қуролсизлантирилганидан кейингина бекор қилиш мумкин бўлади.

Озарбайжон ССР Ташқи ишлар министрлигининг хабар қилишича, Совет томонининг чегара районларида яшаётган гражданларнинг Совет—Эрон чегарасидан ўтиш тартибини осонлаштириш тўғрисидаги икки томонлама битимга оид таклифлари Эрон вакилларига берилган. Бу таклифларда қариндош-уруғлар ҳузурига ва хусусий ишлар билан бўладиган сафарларни расмийлаштиришни енгиллаштириш назарда тутилган.

Ўтган кун мобайнида Озарбайжон ССР районларидаги давлат чегарасида мушкулликлар бўлмади. Чегарачиларга чегарада тартиб ўрнатиш учун кўрилаётган чораларни маъқуллаб, маҳаллий аҳоли, депутатлар мурожаат қилишмоқда.

Аммо шунга қарамасдан, бу ерда чегара орқали яширинча ўтишга уринишлар бўлиб турибди. Кеча чегарадан ғайриқонуний тарзда ўтишга уринганликлари учун 209 киши ушланди. Кеча участкаларнинг бирида Совет ва Эрон чегара комиссарларининг учрашуви бўлди. Мазкур учрашув чегида давлат чегарасини бузувчиларни расмий тартибда бир-бирига топшириш тўғрисида битимга эришилди.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ АВТОНОМ ОБЛАСТИДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Степанакерт, 31 январь. (ТАСС мухбири). Тоғли Қорабоғ автоном областида иш ташлаш давом этмоқда. Ҳозир кундалик тирикчилик учун зарур бўлган корхоналар ва ташкилотларгина ишлаб турибди. Фавқулодда ҳолат районидаги вазият нисбатан осойишта бўлиб турибди. Ҳарбий комендатура вазиятни янада нормаллаштириш, иш ташлашни тўхтатиш чораларини кўрмоқда, чунки иш ташлаш ҳозирги вазиятда беқарорлаштирувчи омил бўлиши мумкин.

Автомобиль йўлларидаги тўсиқлар олиб ташланмоқда. Ағдам—Степанакерт темир йўл участкасида юк ортилган поездлар мунтазам қатнай бошлади. Темир йўл орқали автоном областга озиқ-овқат, ёнилғи, бошқа халқ хўжалиги юклари ташиб келтирилмоқда.

31 январь куни Степанакертга Тоғли Қорабоғ автоном области назорат-қузатиш иттифоқ комиссиясининг раиси В. К. Фотеев ва комиссиянинг бошқа аъзолари келишди.

ЮРИСТЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Москва, 31 январь. (ТАСС мухбири). Адлия органлари, судлар ва адвокатлар коллегиялари раҳбар ходимларининг бугун бошланган Бутуниттифоқ кенгаши ҳуқуқий давлатни шакллантириш масалаларига бағишланди.

Кенгашда адлия органларининг мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқий ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш юзасидан СССР халқ депутатлари съездлари ва СССР Олий Совети қабул қилган Қонун актларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинмоқда.

Кенгаш қатнашчилари адлия органлари фаолиятини такомиллаштириш, қонунлойиҳаларини тайёрлаш ишида уларнинг ролини ошириш, судларни ташкилий жиҳатдан, кадрлар билан ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш билан боғлиқ кенг доирадаги муаммоларни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишининг бошқа жиҳатларини кўриб чиқмоқдалар.

1 февраль куни кенгаш ўз ишини давом эттиради.

ЖАМИЯТ МАЖЛИСИ

Тошкентда СССР Фалсафа жамияти Ўзбекистон республика бўлимининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари ўтган йили иш якунлари ва 1990 йилги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Бўлим раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Э. Юсупов доклад қилди.

Мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди. Э. Юсупов В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ректори этиб тайинланган муносабати билан, шунингдек СССР Олий Совети аъзоси юмушларини бажараётгани учун ўзини бўлим раиси вазифасидан озод этишни илтимос қилди. Унинг илтимоси қондирилди.

Тошкент давлат университети фалсафа кафедрасининг мудири, профессор С. Ш. Шермуҳамедов СССР Фалсафа жамияти Ўзбекистон республика бўлимининг раиси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

• Тарих саҳифаларида

ШАРҚДАГИ БИРИНЧИ ИНҚИЛОБ

● БУГУН ХОРАЗМДА ХАЛҚ ИНҚИЛОБИ ҒАЛАБА ҚИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ. ИНҚИЛОБ ХИВА ХОНЛИГИНИ ТУГАТИБ, МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИГА МОС КЕЛАДИГАН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЗАМИН ЯРАТДИ.

ХОРАЗМ воҳаси халқи кўп йиллар давомида бойлар, хонлар ва беклар-нинг зулмига қарши изчил кураш олиб борди. Бу кураш, айниқса 1916 йилда кескин тус олганди. Меҳнаткашларнинг зулмга қарши чиқишларини бостиришда Хива хонига чоризм қўшинлари бевосита ёрдам берган эди. Шу сабабли Россиядаги февраль буржуа-демократик революцияси ғалабаси натижасида «оқ подшо»нинг ағдарилганлиги ҳақидаги хабарни ишчи-деҳқонлар, прогрессив дунёқарашдаги зиёлилар катта хурсандчилик билан кутиб олдилар.

В. И. Ленин Шарқ халқларининг революцион ҳаракатлари Россия ишчиларининг кураши учун катта мадад бўлишини яхши биларди. Шу сабабдан ҳам у 1917 йил апрелида бўлган VII (Апрель) Бутунроссия партия конференциясида: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони зулми остида эзилиб яшашини мутлақо хоҳламаймиз. Революциямизнинг ривожланиши билан эзилган оммага таъсир ўтказамиз», деганди.

1917 йил октябрида Россияда социалистик революция ғалаба қозониб, узоқ Туркистон ўлкасида, жумладан Хива хонлигида яшаётган аҳолининг ҳурриятга интилишига катта таъсир кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқлардаги минглаб аҳоли ўзларига эрк, ер, сув беришни талаб қилиб, хон ва беклар зулмига қарши ҳаракатларга фаол қўшилдилар. Революцион ҳаракатларга маҳаллий зиёли ва диндорларнинг бир қисмини ўзига бирлаштирган Ёш хиваликлар партияси раҳбарлик қилди.

1918 йил январида Хивада турган оқ казаклар Совет Туркистонига қарши исён кўтарган вақтда, хонликдаги вазиятдан фойдаланган Жунаидхон бошчилигидаги босқинчи тўдалар Хивани эгаллаб, ўз диктатурасини ўрнатди. Номигагина хон қилиб қолдирилган Асфандиёр, сўнгра эса унинг укаси Саид Абдулла реал ҳокимиятга эга эмас эдилар. Таъқибдан қувғинликда яшаётган Ёш хиваликлар партиясининг раҳбарлари Хоразм воҳасида инқилобни амалга ошириш учун олиб борилаётган курашларда Туркистон Совет республикасидан ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар.

1919 йил ноябрига келиб Хоразмда кескинлик вужудга келди. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистондаги махсус бюроси кўрсатмаси билан Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) ва Чоржўй шаҳарларида турган ҳарбий кучлардан бир қисми меҳнаткашларга ёрдамга сафарбар қилинди. Қўшинлар маҳаллий отряд-лар билан бирлашиб, икки группага бўлинган ҳолда Чимбой, Хўжайли, Хазорасп, Хонқа, Янги Урганч шаҳар-лари атрофидаги хон лашкарлари ва Жунаидхон тўдаларини тор-мор қилдилар.

1920 йил 1 февралида революцион отрядлар ва Қизил Армия қисмлари Хива шаҳрини жангсиз ишғол қилдилар. Шу куни Хива хони Саид Абдулла тахтдан ағдарилганлиги тўғрисидаги хитобномага имзо чекди ва у эртаси куни инқилоб ғалабаси нишонаси сифатида халққа эълон қилинди. Шундай қилиб, воҳа меҳнаткашлари кўп йиллар давомида эрк, бахт учун олиб борган курашда зафар қозонишди.

Инқилобнинг дастлабки кунларидан бошлаб воҳадаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт изга солинди. РСФСР ва унинг Туркистон Совет республикаси катта ёрдам берди. 1920 йил мартида Хоразмга Г. И. Бройдо бошчилигида Фавқулодда комиссия юборилди. Кейинчалик РСФСР ва Туркистондан келган Г. Скалов, М. В. Сафонов, Г. Бик, Н. Г. Городецкий, Н. Хўжаев, С. Турсунхўжаев, Д. Брюханов, М. Миршаропов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби ташкилотчилар воҳада катта сиёсий ишларни олиб бордилар. Уларнинг ташкилотчилиги натижасида Совет давлати қурилиши, маданият ва маориф соҳаларида, ер-сув ишларини, суғориш иншоотлари, завод-фабрикаларини тиклаш ва ишга тушириш борасида катта тадбирлар амалга оширилди.

1920 йил 27—30 апрелида бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг I қурултойи Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил этилганини эълон қилди. Қурултойда Халқ Нозирлар Совети номи билан халқ ҳукумати ташкил этилди. Инқилоб даврида эришилган ютуқларни ҳимоя қилиш учун Хоразм Қизил Армиясини ташкил этиш ҳақидаги таклиф маъқулланди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тадбирлари белгиланди. Дастлабки даврда аксарияти Ёш хиваликлар партияси аъзоларидан ташкил топган ҳукумат кўп хатоларга йўл қўйди. У айниқса, миллатлараро муносабатларни хал қилиш учун ёрдам тариқасида 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди. Россиядаги тўқимачилик корхоналари учун зарур хом ашё ва бошқа маҳсулотларни етказиб бериш эвазига Хоразмга нефть маҳсулотлари, ҳар хил саноат товарларини сотиб олиб келиш имконияти вужудга келди.

РСФСР ва Туркистон Совет Республикаси Хоразмга ҳарбий мутахассислар билан бирга ўнлаб инженерлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа касбдаги мутахассисларни юбориб турди. Уларнинг кўмагида мавжуд пахта тозалаш, ёғмой, совун ишлаб чиқарадиган заводлар, кўнчилик, гиламчилик корхоналари тикланиб, тез орада ишга туширилди. Маориф соҳасида ислоҳотлар ўтказилиб, шаҳар ва қишлоқларда янги услубдаги ўнлаб мактаблар ва интернатлар очилди. Аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш ниятида Хива ва Урганч шаҳарларида касалхоналар, Хазорасп, Хўжали, Тошовуз шаҳарларида эса фельдшерлик амбулаториялари ташкил этилди. Биргина 1920 йилнинг ўзидаёқ Туркистон республикаси Хоразм Республикасининг эҳтиёжлари учун 50 минг пуд керосин, яна шунча миқдорда бошқа нефть маҳсулотлари, 400 минг газ ҳар хил газламалар ажратди.

1922 йил 4 апрелида Хоразм Халқ Совет Республикасининг ҳукумати кўрсатаётган беғараз ёрдами ва доҳийга бўлган чексиз муҳаббати рамзи сифатида В. И. Ленинни Меҳнат ордени билан тақдирлади. Бу ҳақда доҳийга юборилган телеграммада қуйидаги сўзлар бор эди: «Азиз устоз! Сизнинг ушбу орденни Хоразм меҳнаткашлари номидан қабул қилишингизни ва уни кўп йиллик тутқинликдан сўнг Шарқда меҳнатнинг озод бўлгани тимсолида тақиб юришингизни сўраймиз».

Хоразм Коммунистик партиясининг ижтимоий ва сиёсий фаолияти кенгайиб борди. Воҳада ёшлар иттифоқи, касаба союзлар ва деҳқонларнинг кооператив бирлашмаларини тузиш, улар ишларини жонлантиришга катта эътибор берилди.

Жунаидхон босқинчилари Хива, Урганч, Хўжайли шаҳарлари билан бир қаторда Туркистон республикасининг Амударё областидаги Тўрткўл, Чимбой, Нукус шаҳарларига ҳам хуруж қилиб, совет тузумини ағдариб ташлашга интилдилар. Ана шундай оғир вазиятда Хоразм Қизил Армияси қисмларига ёрдамга етиб келган Туркфронт қўшинларининг бир қисми шаҳар ва қишлоқлардаги тинч, осойишта турмушни таъминлабгина қолмасдан, босмачиларнинг асосий кучларини тор-мор қилдилар.

1924 йил баҳорида ўлкада вужудга келган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда партия ва совет ташкилотлари миллий-давлат чегараланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни таклиф қилдилар. РКП (б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бу талабларни маъқуллаб, Ўрта Осиё бюроси бошчилигида тузилган комиссия жойлардаги шароитни ўрганишга киришди. Дастлабки даврда Хоразм арбоблари воҳада миллий-давлат чегараланишининг ўтказилишига қарши чиққан ва унда яшаётган халқларнинг Ўзбекистон ва Туркманистон ССРга ажратиб юборилишини нотўғри деб ҳисоблаган бўлсаларда, кейинчалик миллатлар ва халқларнинг бирлигини таъминлаш асосидагина истиқболларини яхшилаш мумкин эканлигини тушундилар.

1924 йил сентябри охири ва октябрь ойининг бошларида бўлиб ўтган Бутунхоразм Советларининг V қурултойи воҳада ўтказилган миллий-давлат чегараланиши якунларини тасдиқлаш ва Хоразм ССРнинг бекор қилинганлиги, унинг Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР составига ажратилишини маъқуллади. Ташкилий ишлар амалга оширилгунча воҳадаги ҳокимиятни Муваққат ҳукумат — Революцион Комитетга топширди.

Хуллас, Хоразм инқилобининг тажрибаси озодликка интилаётган мазлум халқларнинг революцион кураши учун намуна бўлди.

М. МАҲМУДОВ,
тарих фанлари номзоди.

СПОРТ

СУЗИШ:

БИРИНЧИ ИНШООТ

✦ Урганч шаҳрида уст берк сув ҳовузи бунёд этишга киришилди. Бу, сув спортига оид областдаги биринчи иншоотдир.

Мовий сузиш йўлкаларидан иборат бу масканда сув спорти турлари — сакраш, ватерполни ривожлантириш, мусобақалар ўтказиш, саломатлик группалари тузиш, оммавийликни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Ҳовуз замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, сув ҳарорати, сатҳи мусаффолиги кузатиб турилади. Иншоот қурилишига область спорт комитети мутасаддилик қилмоқда.

КУРАШ:

ФАХРЛИ ЎРИН

◆ Наманганлик Нелла Қиёмова дзюдо кураши бўйича республикамиз хотин-қизлари ўртасида назарга тушган спортчилардан бири.

Моҳир спортчи ўтган йили мамлакат чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритган эди. Яқинда у Киев шаҳрида ўтказилган навбатдаги СССР биринчилигида ҳам ўзини кўрсатди. Вакилимиз бу сафар ленинградлик Елена Петрова билан куч синашди. Ҳал қилувчи бахсда Н. Қиёмова яна иккинчи бўлиб, кумуш медалини олди.

АВТОПОЙГА:

ҚИЗҒИН БАҲС

◆ Қарши шаҳри атрофида енгил автомашиналарда республика пойгаси ўтказилди.

Мусобақада пухта ҳозирлик кўрган самарқандлик ДОСААФчилар биринчиликни қўлга киритишди. Сирдарё ва Фарғона области пойгачилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди. Шахсий ҳисобда «Волга» машинасини бошқарган М. Процишин маррада биринчи бўлди. «Жигули» машинасида самарқандлик В. Хоменко, «Багги» машинасида эса тошкентлик С. Тарабрин зафар қучдилар.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

✦ Республика халқ артисти Исмоил Жалилов ва Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестрининг бош дирижёри Имат Кочиньш ташаббуси билан тузилган «Ўзбекистон юлдузлари» камер ансамбли республиканинг энг яхши ижрочи машшоқларини бирлаштирди.

Янги коллективнинг биринчи концерти Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтди. Опералардан ариялари, қўшиқлар ва романсларни овози Венадаги операда ва «Ласкала» театрида янграган опера қўшиқчиси Гегем Григорян ансамбль билан биргаликда ижро этди.

✦ Тошкент грампластинкалар заводида чиқарилган янги пластинкада Ўзбекистон композиторларининг органда ижро этиш учун ёзган музика асарлари тақдим этилди.

Асарларнинг ҳар бири Шарқ оҳангларига, уларнинг бетакрор усуллари ва колоритига мурожаатдек янграйди. Янги пластинкада кенг тингловчилар оммасига Ўзбекистон композиторларининг органда ижро этиш учун ёзган асарлари илк бор тақдим этилди. **(ЎзТАГ).**

• Қилмиш-қидирмиш

Қорақир қишлоғига борганимда бир нуроний кампир билан суҳбатлашиб қолдим. Гап орасида онахон нолиб, ҳасрат қилиб қолди:

— Бизнинг магазинда бошқа нарса топилмаса ҳам, яшириб сотиладиган ароқ деганнинг кети узилмайди, у ҳозир жўра базмларнинг танакори бўлганмиш-ку.

Шу гапни эшитдим-у кечагина Оҳангарондан сал наридаги Октябрь қишлоғига жойлашган наркологик диспансердаги кўрганларим ёдимга тушди...

ҳақида афсус-надомат билан гапириб берди.

Ҳаётимизга доғ бўлиб тушаётган бундай одамлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларни шу куйга солган жароҳат илдизлари ва сабабкорлар ҳақида ўйлайман. Ўйлайману ҳамма нарса аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ эканини сира-сира унутмасликка чақираман. В. Стуликов, А. Алматоваларга ўз бахтингизни ўзингиз йўқотдингиз-ку, дегим келади. Нафақат бахтларини, энди обрў-эътиборларини ҳам.

ФАЛАЖЛИК

Шифохона Тошкент областининг Оҳангарон, Ғалаба, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Паркент ва Бўка районларига хизмат қилади. У бир йўла юз кишини даволайди. Диспансерда касаллар кўп. Бош врач А. Ловринов тавсияси билан бемор Ҳадича Раҳмонова билан суҳбатлашдим.

— Ичкиликка берилишимга мижозлар сабабчи бўлишган, — дейди у ер чизиб. — Ўзим ҳаваскор раққоса эдим, тўй-ҳашамларда юрардим, аслида бу йўлга онам бошладилар, у киши ҳам илгари шу иш билан шуғулланганлар. Унда ёш эдим. Балоғатга етганимдан кейин онам мени тўйларга олиб борадиган, ҳар кимларга қўшиб юборадиган бўлдилар. Шу-шу ичкиликка ўрганиб қолдим...

Ўзинк Ўрта Чирчиқ районидаги хўжалик ремонт бошқармаси ишчиси деб таништирган Анатолий Яковлевичнинг аҳволи бундан ҳам баттар эди. Уни бу ерга милиция олиб келибди. 1952 йилда туғилган. Муттасил ичкиликбозлик туфайли оила аъзолари пароканда бўлиб кетган. Ўзининг айтишича, топиш-тутиши яхшимиш, фақат кўп ичармиш, шунинг учун ҳам аёли ташлаб кетганмиш... Гап-сўзларидан, хулқатворидан Анатолий ақли тўзиётган одамга ўхшайди.

Шифохона бош врачи ичкиликбозлик туфайли бедаво дардга чалиниб қолган ва бир неча марта бу ерга келиб даволанаётган ўрта чирчиқлик В. Стуликов, А. Богаченко, тўйтепалик А. Алматов, оҳангаронлик З. Адиқеев, Л. Княкина, пискентлик муаллим Д. Йўлдошев, Оҳангарондаги «Узжелезобетон» кооперативининг ишчиси. Р. Гараев ва бошқалар

— Май ичишга жуда ёшлигимдан ўрганганман, — дейди бўкалик Хайри Саломова. — Онам дўкончи эди, отам билан ёшлигимдаёқ ажрашиб кетган экан. Уйимизга ҳар хил амакилар келар, кечалари муттасил ичкиликбозлик бўлар, мен ҳам улар даврасида бўлиб, ўрта мактабни тамомламаёқ йўлдан адашган эдим...

Бу гапларни ҳаяжонсиз тинглаш мумкин эмас. Инсонни пул, мол-дунёгина эмас, нотўғри тарбия, ҳақсизлик ҳам бузади. Наркологик диспансерда ётганларнинг «саргузаштлари» бундан далолат бериб турибди.

Фалажлик-ичкилик, майхўрлик, нашавандлик ва гиёҳвандлик туфайли пайдо бўлган давримизнинг иллати. Маҳалла-куй, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларнинг бир-бирлари тақдирига лоқайд қарашлари оқибати ҳамдир. Ахир, битта болага етти қўшни ҳам оталик, ҳам оналик қилади деган таомилларимиз қаерда қолди?!

Ва, ниҳоят, бошланишида жуда катта шов-шувлар билан бошланиб, ҳозир дами чиқиб кетган шарга ўхшаб пучая бошлаган кўнгилли ҳушёрлик жамиятлари нима қилишяпти? Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу масалага нега суст қараяптилар?

М. ҚАЮМОВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«ЛОЛА» МАҲСУЛОТЛАРИ

● Ўрта Осиёдаги ягона атир-упа маҳсулотлари тайёрлайдиган корхона Тошкентда жойлашган. «Лола» фабрикасининг маҳсулотлари тобора машҳур бўлиб бораётир.

Корхона хорижий мамлакатлар фирмалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Жумладан, Швейцария, ГФРда, Италия фирмалари тиш пастаси тайёрлаш бўйича технология жиҳозларини етказиб беришди. Янги қувватнинг фойдаланишга топширилиши туфайли тиш пастаси ишлаб чиқариш йилига 20 миллион донадон 80 миллион донага етади.

Суратларда: (чапда) таъминот бўлими катта товаршуноси Е. Нехаева тайёр маҳсулотни жўнатишга тайёрламоқда; корхона цехларида ҳар куни 8 минг шишачада атир тайёрланади.

О. ЖУРАВЛЕВА суратлари. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ИХТИСОСЛАШГАН ТЕЗ ЁРДАМ

Гулистон шаҳрида замонавий лойиҳа асосида уч қаватли тиббий тез ёрдам станцияси барпо этилди. Янги бино замонавий радиоаппаратуралар, пульт бошқарувлари, бошқа зарур ускуналар билан қуроллантирилган. Шифокорлар учун маданий-маиший шароитлар яратилган, кино зал бор. Тез ёрдам станцияси шаҳар ва унинг атрофидаги ўўжаликлар аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатади.

Бундай ихтисослаштирилган тиббий тез ёрдам станцияси ҳозирча қўриқ воҳада ягонадир.

ЯНГИ ҚУШХОНА — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Гулистон шаҳрида суткасига 60 та бўрдоқи қабул қилиш имкониятига эга бўлган қушхона қуриб битказилди. Қушхона аҳолидан чекланмаган миқдорда бўрдоқилар, турли чорва молларини харид қилиб олади. Айни пайтда якка тартибда қорамол сўйишни хоҳловчиларга ўз транспорти ва ходимлари билан пулли хизмат кўрсатади. Бу ерда туёқ, калла гўшти сингари гўшт маҳсулотлари пиширилиб, бозор нархидан деярли икки баробар арзон нархда аҳолига сотилмоқда.

Қушхонада гўшт маҳсулотлари цехи очиш режалаштирилмоқда.

БИР ЙЎЛА УЧ МАКТАБ

Боёвут райони аҳолиси, айниқса, мактаб ўқувчиларининг қувончлари чексиз. Бу ерда ҳар бири 417 ўринга эга бўлган учта янги мактаб бинои қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги билим даргоҳлари районнинг Пушкин номли ва «1-Май» совхозлари, «Коммунизм» колхозининг Киров участкасида барпо этилди. Замонавий кенг ва ёруғ синфхоналарга эга бўлган уччала мактабни «2-Облагропромстрой» бирлашмаси коллективи қуриб берди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА
профессор-ўқитувчилар ҳайъатининг
ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: илмий социализм, педагогика ва психология, СССР халқлари адабиёти, олий мактабда ўқитиш методикаси, рус ва ўзбек филологияси;

доцентлар; КПСС тарихи, рус тили билан чоғиштирма она тили, рус адабиёти (4), чет эл адабиёти (2);

катта ўқитувчилар: рус тилшунослиги, жисмоний тарбия, рус адабиёти (3), 1-рус тили амалий курси (2), рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, 2-замонавий рус тили, фалсафа, чет тиллар (инглиз, немис);

ўқитувчилар: педагогика ва психология, 1-ҳозирги замон рус тилиси, 2-ҳозирги замон рус тилиси (3), рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси (2), пропедевтика ва нутқ ривожи, совет адабиёти (2), чет тиллар (француз тили), фалсафа (2), 2-рус тили амалий курси (2), СССР халқлари адабиёти.

Конкурс муддати — 21 февралгача.

Мурожаат учун адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 4-уй. Телефон 75-93-11.

Ўзбекистон пойтахти меҳмонларини
ТОШКЕНТ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИНИНГ «ИППОДРОМ» МЕҲМОНХОНАСИ
хизматидан фойдаланишга
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Меҳмонхонада яшаганлик учун нақд пул тариқасида ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Меҳмонхона турли ташкилотлар ва туристик бюролар билан

1990 ЙИЛГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Комфортли сауна, отда сайр қилиш прокати, фаэтонда сайр қилиш меҳмонлар хизматида бўлади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, Тошкент республика отчопари («Ипподром» меҳмонхонаси). Маълумотлар олиш учун телефонлар: 76-29-34, 76-77-37.

КОРХОНАЛАР МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОН» КООПЕРАТИВИ

Енгил автомобиллар ойналарига ва уй-рўзғор ойналарига тус (қоронғилатиш) бериш бўйича

ПУЛЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Бажарилган иш учун шахсий кишилар — нақд пул тариқасида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар эса — пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайди.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шунингдек шахсий кишиларга ГОСТ бўйича тасдиқланган низомга мувофиқ справка берилади.

«ТОН» КООПЕРАТИВИ ойналарни автоматик равишда кўтариб-тушурадиган қурилмаларни, барча маркалардаги автомобилларга муҳофаза сигнализациясини ўрнатиш ишларини ҳам амалга оширади.

Иш вақти — ҳар куни соат 10 дан 18.00 гача.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 26-ёнилғи қуйиш бекати яқинидаги Тошкент отчопари ёнига жойлашган; 17-трамвайнинг «Сўнгги» бекати).

«Узбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
14, 15, 16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР»
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА
Солистлар: Роза ҚУЛДОШЕВА ва Дадахон ҒАНИЕВ
Концертни сўз устаси Машраб НАЗАРОВ **олиб боради.**
Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Кориолан** (19.00), 3/II да **Мирзо Улуғбек** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/II да **Муҳаббат навоси**, 3/II да **Ака-ука совчилар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Паранжи сирлари** (19.00), 3/II да **ШАНБА ОҚШОМИ: Майсаранинг иши, Драма актерлари куйлайди, Фармонбибби аразлади** (16.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки усталарининг гастроллари** (19.30).

Ўзбекистон радиоси коллективи Программалар Бош дирекцияси эшиттиришларни планлаштириш бўлимининг етакчи ходими С. Ғуломовага онаси

Тўхтахон ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. —0-1064. № 28. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12